



Tadqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



CONFERENCES.UZ

30 NOYABR
№34

**“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”
8-ҚИСМ**

**«ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА»
ЧАСТЬ-8**

**«INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF
UZBEKISTAN»
PART-8**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги республика 34-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 31 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағищланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АДАБИЁТ

| | |
|---|----|
| 1. Орынбаев Турганбай Базарбаевич ҚАРАҚАЛПАҚ ЛИРИКАСЫНДАҒЫ АРАЛЫҚ ФОРМАЛАРДЫҢ ИЗЕРТЕЛЕНИЙІ | 7 |
| 2. Masodiqova Madina Xolmatovna ERKIN VOHIDOV SHE'RIYATI | 10 |
| 3. Yuldasheva Ma'mura Sodiqovna RAUF PARFI SHE'RIYATIDA INSON RUHIYATI TASVIRI | 12 |
| 4. Жуманиязова Мұхаббат Болтаевна ”ҰЛКИ ОГАХЛАРНИНГ ОГАХИДУР...“ | 14 |
| 5. Бекрұз Хамдамов, Сабохат Ҳашимова «聊斋志异» «ЛЯО ЧЖАЙНИНГ АЖОЙИБОТ ТҮФРИСИДАГИ ҲИКОЯЛАРИ» ТҮПЛАМИНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИЙ ТАВСИФИ | 16 |
| 6. Abduraximova Xanifaxon Tolibovna XALQ OG'ZAKI IJODINING O'ZIGA XOS JIHATLARI | 21 |
| 7. Isaqova Faridaxon Nosirovna TURSUNBOY ADASHBOYEV SHE'RLARINING BADIY XUSUSIYATLARI | 23 |
| 8. Qurbanova Baxtigul Juraboyevna ERKIN VOHIDOVNING MUMTOZ ADABIY AN'ANALARDAN TA'SIRLANISH MAHORATI | 25 |
| 9. Turg'unova Muhabbat Mimirjonovna ALISHER NAVOIY DOSTONLARINI O'GATISHDA SAMARALI USULLARDAN FOYDALANISH | 27 |
| 10. Yoqubova Dilnoza Xurshidovna ADABIYOT DARSLARIDA ILG'OR TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH USULLARI VA QULAYLIKLARI | 29 |



АДАБИЁТ

ҚАРАҚАЛПАҚ ЛИРИКАСЫНДАҒЫ АРАЛЫҚ ФОРМАЛАРДЫҢ ИЗЕРТЛЕНИҮИ (О.Гайлиеваның изертлеўлери мысалында)

Орынбаев Турғанбай Базарбаевич
Қарақалпақ мәмлекеттік университеті
тағыныш докторантты
Телефон: +998(97) 220 24 46
orinbaev.turgenbay@yandex.ru

Аннотация: Ҳәзирги қарақалпақ әдебияттаныў илимінде көркем текстти анализлеўде жаңа илимий теориялық жантасыўлар, методологиялық изленислер көзге тасланбақта. Әсиресе лирикалық формаларды изертлеў жетекшилик етпекте. Бул мақалада XX әсир қарақалпақ лирикасында аралық формалардың изертлениү барысы әдебиятшы О.Гайлиеваның кандидаттық диссертациясы мысалында ашып бериледи.

Калит сүзлар: Қарақалпақ әдебияттаныў илми, қарақалпақ лирикасы, еркин қосық формасы, насырый қосық формасы, уйқас, бәнт, қосық өлшеми.

Ҳәзирги қарақалпақ лирикасындағы көркем формалар, соның ишинде, аралық формалар әдебиятшы О.Гайлиеваның илимий мийнеттеринде арнаўлы изертленеди. Илимпаздың 2006-жылды «Ҳәзирги қарақалпақ поэзиясында аралық формалардың жанрлық ҳәм формалық қәсийеттери (1970-2000-жылдардағы еркин қосық ҳәм насырый қосықтар)» деген темадағы кандидаттық диссертациясы жазылды.

О.Гайлиеваның жоқарыда келтирилген кандидаттық диссертациясында XX әсирдин соңғы 30 жыллығындағы қарақалпақ лирикасында әдебий құбылыс сыпатында орын алған еркин қосық ҳәм насырый қосықтардың жанрлық ҳәм формалық қәсийеттери теориялық аспектте талқыланады.

Қарақалпақ әдебияттаныў илимінде еркин қосықтар ҳәм насырый қосықтар аз изертленген ҳәм өз алдына изертлеўди күтип турған мәселелердин бири еди. Бул лирикалық формаларда прозалық ҳәм поэзиялық элементтер орын алған. Сонықтан да дәстүрий қосық қағыйдаларына бағынбайды. Диссертацияда бул қосық формалары аралық формалар атамасы менен аталады. О.Гайлиева аралық формалар атамасын термин сипатында қәлиплестириди ҳәм бириңши мәрте илимий айланысқа енгизди. Автор өзиниң диссертациясында аралық формалардың теориялық өзиншелигин Ш.Сейтов, К.Каримов, С.Ибрагимов, Ш.Аяпов, Б.Генжемуратовлардың еркин қосықтары ҳәм Х.Дәүлетназаров, И.Өтөүлиев, Д.Шерниязова, Д.Құrbаниязов, Б.Машариповалардың насырый қосықтары мысалында изертлеген.

Улыўма әдебияттаныў илимінде аралық формаларға киретуғын жанрлардың түрлери барышылық ҳәм олардың терминник атамалары түрлише аталады. Рус қосығының тарийхын изертлеген М.Л.Гаспаров өзиниң китабында еркин қосықтың рус әдебиятында XVIII әсирде қәлиплескенлигин атап өтеди. [1. 73] Соның менен бирге аралық формалардың еркин қосық, ақ қосық, уйқассыз қосық, қосықлы проза (стихотворная проза), уйқасықлы проза сыяқты түрлерин талқыға тартады.

Әдебиятшы илимпаз У.Туйчиев өзбек әдебиятындағы оқшөр, сарбаст, сажъ, мансур шеър сыяқлы формалардың жанрлық өзиншеликлерине қысқаша тоқталып, рус әдебиятында эквиваленттери менен салыстырады. [2. 207-218]

Аралық формаларға киретуғын лирикалық жанрларда поэзиялық ҳәм прозалық көркем тилдиң синтезлениү процесси иске асады. Поэзиялық көркем тилде қосық тексти шайыр тәрепинен бөлеклерге бөлиніп, ҳәр бир қатары ҳәм бәнти бир-бирине үнлесип келеди. Прозада бундай бөлиніү көринбейді.

«Гейде олардың арасындағы айырмашылықты түсндириў ушын прозаны бир сыйық бойлап – горизантал, ал қосықтарды болса, бир ўақыттың өзинде ҳәм горизанталь,



ҳәм вертикаль ҳалда жүзеге келетуғын еки өлшемли әдебий тил ретинде қарастырыў үсынылады.» [3. 11]

О.Гайлиева еркин қосық пенен прозаның айырмашылығына дыққат қаратып: «Проза менен еркин қосықтың айырмашылығы еркин қосықта лирикалық мазмунның, прозада болса эпикалық мазмунның баян етилийи менен байланыслы.» [4. 30] - деп жазады. Соның менен бирге автор қарақалпақ әдебиятшыларының верлибр жанрына арналған илимий жуўмақтарына да өзиниң қатнасасын билдиреди.

Верлибр термини 1897-жылы француз символист шайыры Гюстав Кан (1859-1936) тәрепинен енгизилди. [5. 3] Қарақалпақ әдебиятында еркин қосық ҳәм верлибр атамалары тендей ислетиледи.

Еркин қосық үлгилери XX әсирдин 20-30-жылларында А.Бегимов, Х.Ахметов, А.Матякубов, Д.Назбергенов, Ж.Аймурзаевлардың дөретиўшилигинде көринген еди. Бирақ бул тоникалық өлшемге тән болған текшели қосық формасы миллий әдебияттымызға толық енисе алмады. Себеби миллий лирикамыз бармақ өлшеми тийкарында раўажланып келди. Екиншиден XX әсирдин 20-30-жылларында еркин қосық формасын миллий әдебияттымызға сай ҳалда өзлестериүге шайырларымыз таяр емес еди. Соныңтан да текшели қосық формасы тек тәжирийбе сыйпатында қалып қойды. Профессор Қ.Оразымбетов миллий лирикашылығыныңдағы бул процести төмендегише баҳалайды: «Бул дәўирде (XX әсирдин 20-30-жылларында – О.Т) айырмам шайырлар түсінбестен, дөретиўшилик пенен өзлестирмestен орыс әдебияттыңдағы тоникалық өлшемге тән болған форманы сол турысында қарақалпақ әдебияттыңа енгизиүге умтылды. ... Тоникалық өлшем ... қарақалпақ әдебияттыңда бурыннан болған емес. Жоқ нәрсени әдебиятқа зорлап таңыўға умтылыш әдебиятта табысқа алып келмейтуғыны белгили. ... Қарақалпақ шайырлары бундай әдебий тәсирдин ақыбетин дұрыс түсінді ҳәм бул жолдан қайтты.» [6. 37]

О.Гайлиеваның пикиринше әдебияттымызда қолланылатуғын еркин қосықлар түркій халықтардың қосық өлшеми болған бармақ системасының қағыйдаларын аз-кем болса да өзинде қамтыйды. [4. 64] Еркин қосықтың өлшеми ҳаққында илимпазлар еки түрли көзқарасты алға сүреди. 1) силлабо-тоникалық өлшем, 2) еркин өлшем. Бизиң ойымызша верлибр формасы еркин өлшемге тийкарланған. Қарақалпақ әдебияттыңдағы верлибрлерде қосық өлшемлеринин диалектикалық қатнасасы көринип турады.

Еркин қосық формасы қарақалпақ әдебияттыңда XX әсирдин 80-жылларынан баслап әдебий құбылыс сыйпатында көрине баслады. Нәтийжеде қарақалпақ лирикасы жаңа формалар менен толысты. Әдебияттаныш илиминде бул форманың теориялық тәреплери илимий айланысқа енгизиле баслады.

Қарақалпақ миллий еркин қосығы жөнинде арнаўлы фундаментал изертлеў ушыраспайды. Бирақ илимий мақала көлеминде, монографиялық ҳәм диссертациялық жумыслардың бир бөлеги сыйпатында верлибр жанрының теориялық мәселелери қарастырылды.

О.Гайлиеваның диссертациясында еркин қосықтың поэтикалық құрылышын пайда етиўши элементлер теориялық көзқарастан үйрениледи. Сыртқы формаға тийисли болған ырғақ, уйқас, өлшем, бәнт элементлер қосықтың поэтикалық формасын тәмийнлейди. Автор еркин қосықтағы ырғақтың атқаратуғын хызметине айрықша кеүйл аударады.

Соның менен бирге, еркин қосықларда буўнаклар, бәнт ҳәм уйқаслардың өзиншеликтерин эксперименталь таллаўлар мысалында изертлейді. Еркин қосықтағы бәнт ҳәм уйқаслар дәстүрий қосықлардағы сыйаклы қатаң тәртипке бойсынбайды. Еркин қосықта шайырдың айтылажақ пикири қосықтың қәлеген жеринде тамамланыўы мүмкін. Уйқас ҳәр бир қатарды қатаң түрде үнлестирип келмейди, ал шашыранды ҳалда ушырасады. О.Гайлиева қарақалпақ әдебияттыңдағы еркин қосықлардың бәнтке бөлининп келетин ҳәм бөлинбейтин түрлерин анықлады.

О.Гайлиеваның еркин қосықтағы уйқаслардың жасалыў тәртиби ҳаққындағы пикирлері менен келисиүге болады. «... Уйқаслар еркин қосықта қатарлардың тек ғана кейинде емес, ал олар қатарлардың басында, ортасында яки кемтик текшелерге бөлинген қатарларда да уйқасып келе береди. ... Қатардағы уйқас сол бәннитиң даўамындағы басқа бәннитиң қатарларындағы сөзлер менен де уйқасыўы мүмкін.» [4. 81]

Сондай-ақ О.Гайлиеваның насырый қосықлардың генезиси ҳәм жанрлық өзгешеликтерин изертлеўдеги теориялық жуўмақтары дыққатқа ылайық. Диссертацияда рус, өзбек, тәжик алымларының насырый қосық жанры бойынша алып барған изертлеўлери методологиялық



тийкар сыпатында пайдаланылған.

О.Гайлиева улыўма әдебияттаныў илиминдеги насырый қосық формасына арналған илимий пикирлерге өзиниң қарасларын билдири отырып насырый қосықтың өзине тән критериясын төмендегише ашып береди:

«Насырый қосық – жазылыў формасы бойынша наср болып, ал баянлауда, сүүретлеуде шайырдың ишкі сезимлерине құрылған, эмоционаллық сезимталлығы басым, поэтикаллық сөзлерди өзинде жәмlestire билген, ыргакқа ийе көркем форма.» [4. 137]

Илимпаз насырый қосықтың генезисине итибар берер екен, олардың миллий дәреклериниң Орхон-енисей жазба естеликлеринде, миллий дәстанларымызда бар екенлигин мысаллар тийкарында дәлилләйди.

Қарақалпақ әдебиятында насырый қосық формасы өткен әсирдин 80-жылларынан баслап әдебий құбылыс сыпатында танылады. Бул жылларда Х.Дәүлетназаров, И.Өтеўлиевлердин қәлемине тийисли насырый қосықтар дөретилди. Илимпаздың диссертациясында да Х.Дәүлетназаров, И.Өтеўлиев, Д.Шерниязов, Д.Курбаниязов, Б.Машариповалардың насырый қосықтары изертлеў объекти сыпатында талланған.

Диссертацияда насырый қосықтардың көркемлик өзгешелигин үйрениўге өз алдына бөлім ажыратылған. Автор бул бөлімде Х.Дәүлетназаровтың «Өмир», «Дүнья», «Мен асығыспан», «Мен неге қосық жазаман», И.Өтеўлиевтың «Алақанымдағы гүл», Д.Шерниязованың «Қәлбимниң күяшы», Д.Курбаниязовтың «Ийесиз қалған журт» насырый қосықтарының идеялық-тематикалық бағдарын, троплардың қолланылыў өзиншеликлерин теориялық аспектте анализлейди. Соның менен қатар ҳәр бир шайырдың стиллик өзгешелигин белгилеўдеги жуўмақтарды дыққатқа ылайық.

Улыўма алғанда О.Гайлиеваның еркин қосық ҳәм насырый қосық формаларының жанрлық ҳәм көркемлик қәсийетлерин изертлеўдеги нәтийжелери ҳәм теориялық жуўмақтары тек диссертацияның ғана емес, ал XXI әсир басындағы қарақалпақ әдебияттаныў илиминдеги қолға киргизилген табыслардың бири болды.

Пайдаланылған әдебиятлар

1. Гаспаров М.Л. Очерк истории русского стиха. Москва: «Фортуна лимитед», 2000.
2. Туйчиев У. Лирика. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2 жилд. Тошкент: «Фан», 1992.
3. Орлицкий Ю.Б. Динамика стиха и прозы в русской словесности. Москва: РГГУ, 2008.
4. Гайлиева О. Ҳәзириги қарақалпақ поэзиясында аралық формалардың жанрлық ҳәм формалық қасийетлери (1970-2000-жыллардағы еркин қосық ҳәм насырый қосықтар): филол. илим. канд. дисс... - Нөкис, 2006.
5. Kahn G. Premiers poémos, avec une préface sur le vers libre. Paris: Mercure de France, 1897. P.3. Электрон ресурс. URI:https://books.google.co.uz/books/about/Premiers_po%C3%A8mes.html?id=2fEaAAAAAYAAJ&redir_esc=y (Алынған ўақты 29.09.2021).
6. Оразымбетов Қ. Ҳәзириги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы ҳәм типологиясы. Нөкис: «Билим», 2004.



ERKIN VOHIDOV SHE’RIYATI

Masodiqova Madina Xolmatovna

Oltiariq tumani 26-maktab
ona tili va adabiyoti fani o‘qituvchisi
e-mail:madinaxolmatova@inbox.uz

Annotatsiya: Maqolada o‘zbek adabiyotining zabardast shoiri Erkin Vohidov she’riyatining o‘ziga xosligi, uning adabiyotdagi ulug‘vorligi yoritilgan. Shoiring adabiyotshunoslikdagi o‘rni xususida ma’lumotlar berilgan.

Kalit so‘zlar: tafakkur, dunyoqarash, adabiyot, so‘z sehri, xotira, haqiqat.

Sevimli shoirimiz Erkin Vohidov ham XX asrning 60-yillarda o‘zbek adabiyotida shunday paydo bo‘lgan edi. Shaxsga sig‘inish, qatag‘on dahshatlari, qattiq siyosiy nazoratning oqibatlari, qo‘rquvlari yuraklarni ezg‘ilab turgan, adabiyot ko‘ngil emas, siyosat quroli bo‘lib, tinchlik frontida ham jangovarlik ko‘rsatayotgan bir paytda toza va samimiy yurak sozi, yurak ovozi taralgani chinakam quvonchli hol edi. Shoiring o‘zi she’riyatga yangi avlodning kirib kelishi haqida fikr yuritib shunday yozgandi: “Elliginchi yillarda she’riyatga kirganlar ichida chinakam katta talant egasi bo‘lgan shoirlar yo‘qmidi? Bor edi. Lekin elliginchi yillarda she’riyatda dabdaba va hamdu sano udum bo‘lgan edi. O‘sha yillarda adabiyotga kirgan shoirlarning ko‘pchiligi ana shu udumni qabul qildilar, ilk qadamdan boshlab ana shu usulga o‘rgandilar, shunday shakllandilar. So‘ngra oltmishinchi yillarga kelib she’riyatdan madhiyabozlik chekinganda ularning ko‘pchiligi yangi narsaga darrov moslasha olmadilar, she’riyatning bayrog‘ini tantanabozlik xarobalarida tug‘ilgan avlod qo‘lga oldi”. Haqiqatan ham, har bir ijodkorning shakllanish davri uning keyingi taqdirini belgilaydi. Erkin Vohidov beg‘ubor bir ko‘ngilning go‘zal his-tuyg‘ulari bilan, ezbilikka tashna yurak bilan paydo bo‘ldi va shakllanishing sof va iztirobli yo‘lidan og‘ishmadi. Shoир she’riyati Vatan sarhadlaridan oshib o‘tgan milliy adabiyotimizning jahon miqyosi tarozisidagi og‘ir toshlaridan biri, desak, aslo mubolag‘a bo‘lmaydi.

Shoiring 8 jildlik to‘la asarlar to‘plami kitob javonimizdan to‘laligicha o‘rin olmoqda. “Bahor tarovati” nomli birinchi jild “Bag‘ishlov” she’ri bilan boshlanadi. Unda shoир butun ijodini avvalo umr kitobi, so‘ng olis yo‘l sarhisobi deb biladi. Bu yo‘l ravon emasligini ta’kidlaydi. Ijod Ibtido va Intiho oralig‘idagi yo‘l iztirobidir, deydi. Sho‘ro tizimi shoир yuragiga shunday iztirobni soldi. Lekin shoир o‘shanday zamonda ham qanday usul bilan bo‘lmasin haqiqatni aytishga yo‘l topa bildi. Bu nafaqat mahorat, balki jasorat ham edi. Bu jasorat chin ma’noda shoiring “O‘zbegim” qasidasidan boshlangan desak asossiz bo‘lmaydi. 1960-yillarning ikkinchi yarmida she’riyat inson qalb his-tuyg‘ularini kuylashga bir qadar o‘ta olgan bo‘lsa ham, lekin millat dardini kuylash, uni madh etib ko‘klarga ko‘tarish, o‘z xalqi va tarixi bilan faxrlanish tuyg‘usini baralla ifoda etish hukmron siyosat chegarasini buzishday gap edi. Aksincha, sho‘ro tuzumi bergen “baxtli hayot” madh qilingan zamonasoz she’rlar bayroq kabi davr siyosati shamolida hilpirab turardi. Qolaversa, shoир bungacha ham zamon zarbasini tatib ko‘rgan edi. Bu uning “Kavkaz she’rlari” turkumidagi bir qator ijod namunalari, ayniqsa, “Fuzuliy haykali qoshida” she’ri bilan bog‘liq. Shoiring qayd qilishicha, topshiriq quyidagilardan iborat bo‘lgan: she’rga yana to‘rt-besh bayt qo‘shish kerak. O‘sha baytlarda, birinchidan, o‘zbek xalqi Oktyabr inqilobi tufayli baxt-saodat topganligi albatta aks etishi kerak. So‘ng ulug‘ dohiy ta’limoti, kommunistik partiya g‘oyalari, “ulug‘ og‘amiz”ning yordami, nihoyat, Kreml yulduzining shu’lasi... Xullas, o‘sha rahbarning o‘zi aytganidek, shoirga faqat qofiya topish qolgan, xolos. “Ming shukr, – deydi shoир, – Yana shukrlarki, o‘sha zamonda yuksak topshiriqni ado etolmadim, “qofiyasini topolmadim”. O‘tgan asrning 70-yillarda shoир ijodida zamin va zamon, inson va insoniyat, millat va erk masalasi jiddiylasha borgani seziladi. Nafaqat g‘oyaviy mazmun jihatidan, balki badiiy, hatto shakliy, uslubiy jihatdan ham izlanishlar samarasi muxlislar e’tiborini tortdi. Ayniqsa, fikr-xulosaning umuminsoniy, umumbashariy qiyosga ko‘tarilgani, falsafiy teranligi, o‘z xalqi va adabiyoti oldidagi shoirlilik mas’uliyati oshgani yaqqol seziladi. Bundan tashqari, “Eski hammom, eski tos”, “Ajab ermas”, “Davlat ishi”, “Ko‘rsatkich barmoq”, “To‘ra yigit”, “Bizdan keyin hech bir avlod qayta turmasin”, “Siyosiy saboq” kabi yana ko‘plab she’rlari yurak amri bilan davrning og‘riqli nuqtalarini nishonga ola bilgan xalqparvar shoир sifatida yana bir bor e’tirof etilishiga asos bo‘ldi. Erkin Vohidov – ko‘p qirrali ijodkor: u lirk shoir, bir qator dostonlar muallifi, dramaturg, “Donishqishloq latifalari” turkumi bilan o‘zbek



adabiyotiga Matmusa timsolini olib kirgan hajviyotchi, jahon adabiyoti durdonalarini o‘zbek tiliga o‘girgan mohir tarjimon. Shunisi quvonarlikni, uning har bir yo‘nalishdagi ijodida adabiyotimizda qad ko‘tarib turgan yuksak cho‘qqilar bor. Bu cho‘qqilarni birlashtirib, uyg‘unlikda ko‘ra olsakkina, shoirning adabiyot maydonidagi, millat oldidagi ulug‘vor salobatini his qila olamiz.

Foydalanimgan adabiyotlar:

1. Vohidov E. So‘z latofati. – Toshkent: O‘zbekiston, 2014. – 148 b.
2. Vohidov E. Shoiru she’r-u shuur. – Toshkent, 1987.
3. Erkin Vohidov zamondoshlari nigohida. – Toshkent: O‘zbekiston, 2016.
4. Jabborov J. Muomala madaniyati // Muloqot, 1997. 5- s.
5. Imomnazarov M. Shoir so‘zining latofati va qadri. – Toshkent: MUMTOZ SO‘Z, 2016.



RAUF PARFI SHE’RIYATIDA INSON RUHIYATI TASVIRI

Yuldasheva Ma’mura Sodiqovna

Oltiariq tumani 26-maktab
ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi
e-mail:mamurasodiqova@inbox.uz

Annotatsiya: Maqolada o‘zbek modern she’riyatining yetuk namoyandasasi Rauf Parfi she’riyati va uning ijododa inson ruhiyatining tasviri hamda tarannum etilishi yoriladi.

Kalit so‘zlar: ta’lim jarayoni, she’riyat, ruhiyat, tasvir, o‘ziga xoslik

O‘zbek adabiyoti, o‘zbek poeziyasidagi rang-baranglik, birinchidan, o‘z individual uslubi bilan farqlanib turuvchi G‘afur G‘ulom, Oybek, Hamid Olimjon, Shayxzoda, Mirtemir, Zulfiya, Asqad Muxtor, Turob To‘la, ular izidan borib, o‘zbek she’riyatini yuqori pog‘onalarga ko‘targan Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, Rauf Parfi, Shavkat Rahmon, Halima Xudoyberdieva kabi shoirlar ijodi bilan belgilanadi. Biroq adabiyotning, jumladan, poeziyaning rang-barangligi doirasi faqat individual uslublar boyligi bilan chegaralanmaydi. Poeziyaning xilma-xil janrlari va turlituman poetik shakllari ham mavjudki, ular adabiyotdagi estetik boylikka, rang-baranglikka asos bo‘luvchi, uni ko‘paytiruvchi muhim adabiy hodisa va faktor hisoblanadi.

Buni Rauf Parfi ijodi misolida ham ko‘rish mumkin. Boisi Rauf Parfi yangi o‘zbek she’riyatida ijodi eng ko‘p bahs-munozaralarga sabab bo‘lgan shoirlardan. Bu nainki uning o‘ziga xos, bir qarashda o‘ta g‘alat fe‘l-atvori aks etgan ijodiyoti, balki she’rlaridagi ayricha ma‘no tovlanishlari, shakl va ifoda vositalariga ham aloqador. O‘tgan asrning 60yillari adabiyotimizda Rauf Parfi degan jiddiy poetik hodisa ro‘y berdi. Shoир “Eng uzoq yozilgan tarjimai hol”ida birinchi “she’riy asar”ini 1953 yilning 5 martida (10 yoshda) yozganini aytadi. “Endi qanday yashaymiz” sarlavhali bu marsiya-she’r badiiy saviyasi, kimga bag‘ishlanganidan qat’iy nazar, murg‘ak yurakning tub-tubidan otilib chiqqan nido-rost qayg‘u ekaniga shubha yo‘q. Shoир ilk ijodini marsiyadan boshlagani bejiz emasdir. Bu hazin (g‘amgin emas) raufona ohang shoir sifatida shakllangandan keyin ham uning butun ijodiga xos belgi bo‘lib qoldi. Rauf Parfining turfa mavzu, turli yo‘nalishdagi she’rlarida ana shu mungli ohangni ilg‘ash qiyin emas.

Rauf Parfi she’riyatimizga dastlab yomg‘ir ohanglari bilan kirib keldi. Uning ilk she’rlari bahorday yoqimli, qor parchalari misol nafis edi. Shoirning avvalgi she’rlarida tuyg‘ular, ehtiroslar daryosi to‘lib-toshib turgan bo‘lsa, 80-yillardan boshlab asarlarida bezovta Ruh, Tafakkur tuyg‘ulari yetakchilik qiladi. Yana boshqacharoq aytganda, uning to‘ng‘ich she’rlari intim lirikaning nodir namunalari bo‘lsa, keyingi ijodida falsafiy-intellektual yo‘nalish ustuvorlik kasb etdi. Shoир o‘sha paytlardayoq “bir telbalik ruhiga hokim” ekanini anglab yetgan edi. Ammo bu qanday telbalik? U umr bo‘yi shu savolga javob izladi. “Bir qushcha sayraydi mening ruhimda”, deb yozadi bir she’rida. Lekin bu qushchaning ismini bilmaydi. Yillar o‘tib, davr dolg‘alari, tuzum to‘fonlari aro o‘sha qushchaning sayrog‘i yanada kuchayib, ovozi tiniqlashdi va shoir bu ruh qushning nomini topgandek bo‘ldi. Uni cheksiz zulmu adolatsizliklardan ko‘ksi qonga bo‘lgan ona Turkiston deb, erki toptalgan qutlug‘ makonga, shuning barobarida dunyodagi jaholat tig‘idan yuragi tilka-pora bo‘lgan jamiki yurtlarga hamdard, ammo chorasisz Inson, isyonkor Ruh deb ham atash mumkin. Bir so‘z bilan Hurriyat deb atalsa, xato bo‘lmas.

Rauf Parfi har bir she’rida odamning murakkab ruhiy dunyosidagi biron holatni tutib olib, suratlaydi. Bu qiyin ijodiy jaraon. Lekin Raufning satrlarida bu qiyinalish bilinmaydi, ular go‘yo oson ko‘chgandek ravon, tabiiy, samimiyy. Bu she’rlarda deklarativlik ham, nasihat ham, illyustratsiya ham yo‘q. Ular shoirning zavq dunyosidan tug‘ilgan. Agar bu dunyo tobora kengaysa, to‘lqin ursa, insoniy ehtiros va grajdanilik hislari bilan yanada boyisa, Rauf Parfi, shubhasiz has-sos shoir bo‘ladi.”¹ Ustoz adib Asqad Muxtorning bu fikrlari albatta, Rauf Parfi ijodi haqidagi dastlabki tiniq taassurotlar edi.

Rauf Parfi hali yosh shoir “tamg‘a”sidan qutulmay turib she’riyatimizda shakliy yangiliklar qilib ulgurgandi. **A-b-a-b-a** tartib shaklidagi she’rlari-yapon she’riyatidan ilhom olgan eksperimentlari xokku-uchliklari, ayniqsa, san’atkorona sonetlari shunday deyishga asos beradi. Sonet dastlab Italiyada paydo bo‘lib, keyin jahon she’riyatida keng tarqalgan. Dante, Petrarka,

¹ “Sharq Yulduzi”, 1966 yil, 1-son, 137-bet



Mikelanjelo, V.Shekspir, A.Mitskevich, A.S.Pushkin kabi zabardast shoirlar sonet taraqqiyotiga salmoqli hissa qo'shganlar. Jahon sonetshunosligining badiiy-estetik tajribalari ta'sirida o'zbek she'riyatida ham sonet namunalari paydo bo'ldi. Xususan, Usmon Nosirning mashhur "Sevgi monologi", so'nggi davrda esa Barot Boyqobilov, Rauf Parfi sonetlari she'riyatimiz xazinasiga munosib hissa bo'lib qo'shildi.

Rauf Parfining chop etilgan to'plamlari jamlansa, hajman u qadar katta merosni tashkil etmaydi. Ammo har ishda mohiyatni anglashga intilgan shoirning kaftdek kitobchalari milliy she'riyatimiz, adabiyotimiz taraqqiyotida o'z o'rniga ega. Jahon adabiyoti nodir namunalaridan qilgan tarjimalari ham alohida hodisa. Rauf Parfi Bayronning "Manfred", Nozim Hiqmatning "Inson manzaralari", Mahmud Hodiyning "Ozodlik lavhalari", Karlo Kaladzening "Dengiz xayoli", Aleksandr Dyumaning "Uch sarboz", Aleksandr Tvardovskiyning "Xotira huquqi" asarlarini, Bartold Brext, Yohannes Bexer, Pablo Neruda hamda zamonaviy turk shoirlari she'rlarini o'zbek tiliga mohirona tarjima qilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirhaydarov X. Qofiyaning lirik she'r kompozitsiyasining yaratilishidagi roli // "O'zbek tili va adabiyoti", 1972 yil, 4-son
2. Normatov U. Ijod sehri. -T: SHarq, 2007
3. Rejabov D. O'zbek xalq she'r tuzilishida qofiya va uning unsurlari haqida / /O'zbek tili va adabiyoti, 2003 yil, 6-son
4. Rauf Parfi. Karvon yo'li. -T., 1968
5. Rauf Parfi. Aks-sado. -T., 1970 12. Rauf Parfi. Tasvir. -T., 1973
13. Rauf Parfi. Xotirot, -T., 1975
14. Rauf Parfi. Ko'zlar. -T., 1977



”УЛКИ ОГАҲЛАРНИНГ ОГАҲИДУР...“

Жуманиязова Мұхаббат Болтаевна

Хива шаҳридаги Огаҳий номидаги ижод мактаби олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.
Телефон: +998993471970

Аннотация: Мақолада ўзбек мумтоз адабиётида ижодий мероси кўлами ва бадиий маҳорати жиҳатидан етакчи ўринга эга бўлган улкан истеъдод соҳиби, ҳассос шоир, забардаст муаррих, моҳир таржимон, давлат арбоби Муҳаммад Ризо Огаҳий, унинг ўзбек адабиёти ва, айниқса, шеъриятида туттган ўрни ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар. Муҳаммад Ризо Огаҳий, Хоразм, Хива, Мунис, Феруз, шоир, тарихнавис, мутаржим, давлат арбоби, мироб, ”Таъвиз ул-ошиқин“, лирик мерос, тарихий асарлар, таржималар, ғазал, қитъа, ишқий ғазаллар.

*”Огаҳий фикр қамрови жуда кенг, мушоҳада
иқтидори жуда ўтқир, табиатан хокисор,
руҳан бедор ва огоҳ шоирдир...“.
Иброҳим Ҳаққул*

Илм-фан, санъат ва адабиётнинг қадимиј ўчокларидан бири бўлган Хоразм элининг улуғ фарзанди - серқирра истеъдод соҳиби, нафакат улкан шоир, балки забардаст муаррих, моҳир таржимон, атоқли давлат арбоби Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1874) ўзбек адабиёти, фани, маданияти ривожига улкан хисса қўшди. Бунинг яққол далили уларнинг бизга қолдирган бебаҳо адабий ва илмий меросидир.

Халқимиз Муҳаммад Ризо Огаҳийни ўзбек мумтоз адабиётида ижодий мероси кўлами ва бадиий маҳорати жиҳатидан Алишер Навоидан кейинги ўринда турувчи улкан истеъдод соҳиби сифатиди билади, ижодини юксак баҳолайди ва севиб мутолаа қиласди.

Огаҳий ҳар қандай баланд эътибор ва эҳтиромга лойиқ санъаткор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартағи ”Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида“ти 238-сонли қарори ва бу қарор асосида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар тақсинга сазовордир. Қарорга мувофиқ 2019 йилнинг декабрь ойида Огаҳий таваллудининг 210 йиллиги мамлакат миқёсида кенг нишонланди. Хива шаҳрида Огаҳий номидаги ижод мактаби ташкил этилди. Бу бўйича тузилган ташкилий қўмита Огаҳий ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Шу ўринда Огаҳий асарларининг 20 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни чоп этиш борасида қилинган ишларни, шоир ҳаёти ва ижодига оид кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилганини ҳамда Огаҳий сиймосини акс эттирувчи сахна асарлари майдонга келганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Огаҳий ижодида тарихнавислик фаолияти етакчи ўринга эга бўлиб, улар бу соҳадаги фаолиятини амакиси Мунис томонидан ёзила бошланган ”Фирдавул иқбол“ (“Иқбол боғи”) асарининг 1812-1813 йиллардан кейинги даврини ёзиш ва тўлдириш билан бошлаган дейиши мумкин. Шундан сўнг Огаҳийнинг ўзи ҳам мустақил бешта тарихий асар ёзди. Шунингдек, Шарқ мумтоз адабиётининг йигирмага яқин нодир намуналарини ўзбек тилига таржима қилиб, Хоразмда таржимачиликнинг катта бир мактабини яратган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Муҳаммад Ризо Огаҳий ўз замонасида ёқ огоҳларнинг огоҳи, ҳақгўйларнинг сарбони, орифларнинг шоири эди. Шоирнинг ”Огаҳий“ тахаллусини олиши ҳам бежиз эмас. Улар доимо олам сирларидан боҳабар бўлиб туришлини ўзлари учун фарз деб билганлар. Шеърий меросининг асосий қисми ўзбек, яъни она тилида ёзилган бўлиб, ”Таъвиз ул-ошиқин“ (”Ошиқлар тумори“) девонида жамланган. Девон маърифатпарвар шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) таклифи ва талаби билан тузилган бўлиб, унда шоирнинг йигирмадан ортиқ жанрдаги салкам 20 минг мисрали лирик мероси жамланган. Уларнинг 1300 мисрадан ортиғи форс тилида битилган бўлиб, бу Огаҳийнинг зуллисонайнилик анъанасини муносиб давом эттирганлигининг ёрқин далилидир.



Огаҳий жанр имкониятларига ҳам ижодий ёндашиб, уларни такомиллаштирган, яъни ўзигача бўлган 7-8, 10-12 байтли ғазал ёзиш тартибини 23 байтгача етказган. Мустазод жанрининг қўш орттирма мисрали шаклини яратган.

Шоир девонида ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-дидактик, табиат тасвири ва бошқа мавзудаги шеърлар жой олган. Лекин уларнинг аксарияти ишқий мавзудадир. Огаҳий шеърияти ҳақида сўз юритар эканмиз, улар кўз ўнгимизда, аввало, ўзбек мумтоз адабиётининг истеъододли ҳамда заковатли намояндаси сифатида гавдаланади. Шоир инсоннинг турли кайфиятларини, ҳаётга, табиатга муҳаббати ва унга завқи, ишқ-муҳаббат шавқи, айрилиқ ва хижрон ҳамда ёр висолига эришиш иштиёқи каби туйғуларни оддий кўз билан эмас, кўнгил кўзи билан идрок қиласди, инсон руҳиятидаги энг нозик парданни илғайди, тушунади ва санъаткорона талқин этади:

Юзинг очким, қуёш садқанг бўлуб, бошингдин айлансун,

Янги ой юз тавозуз кўргузуб, қошингдин айлансун.

Огаҳий учун шеъриятда шакл ва мазмуннинг ўзаро бирлиги, мутаносиблиги асос ҳисобланган. Фақат илғор ғояга хизмат қилувчи чуқур мазмунли шеърнигина абадий дея тан олган. Агар шеър кишига бадиий завқ бермас экан, бундай шеърдан, бундай шеърлар жам бўлган девондан не ҳожат, дейди шоир:

Огаҳий назминг аро дил сўз мазмун бўлмаса,

Сода ашъоринг била девону дафтардин не ҳаз.

Илм-фанни эгаллашга ўргатиш, маърифатга чақириш мумтоз шоирларимизга хос ҳусусиятдир. Огаҳий киши руҳий бойликка фақат маърифат орқали эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Ўз шеърларида шунга амал қилиб, илм-маърифатсиз инсон жоҳилга айланади, жоҳиллик эса икки оламни барбод қилишдир дейди:

Илм андоқ ганжи нофеъдир бани одамғаким,

Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анга.

Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,

Ики олам обрўйи бўлғуси барбод анга.

Огаҳий ”Сўз“ радифли ғазалида юқоридаги фикрларини янада юксалтирган ҳолда, инсонларга шундай мурожаат қиласди:

Эй кўнгил, одам хаёл айлаб, дема нодонға сўз,

Чунки у инсон эмас, топсанг дегил инсонға сўз.

Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ. У ўзининг бебаҳо инсоний сифатлари – одоб-ахлоқи, маънавий олами билан гўзал. Табиатидаги ёмон хулқ-автор унинг инсонийлигига, эл орасидаги ҳурмат-эътиборига путур етказади. Бошига кулфат тошларини ёғдириб, элдан жудо айлади. Шу каби қарашлар шоирнинг нафақат ғазалларида, балки бошқа лирик жанрдаги шеърларида ҳам кўплаб учрайди. Жумладан, Огаҳий бир қитъасида шундай ёзади:

Кишиким, ёмонлиғ эрур шеваси,

Келур ҳар нафас бошиға юз бало.

Жалойи ватан айлаб они фалак,

Қилур ғурбат андуҳига мубтало.

Маънавият ва маърифат масалаларига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилаётган бугунги кунда Огаҳийнинг хаёт йўли ҳамда бой ижодий меросидан сабоқ олиш ниҳоятда катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. Шундай экан, биз шоирнинг ҳам бадиий, ҳам мазмун, ҳам ғоявий жиҳатдан юксак лирик меросидан баҳраманд бўлайлик. Чунки уларнинг инсон маънавий оламининг юксалишида ўрни ниҳоятда катта.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Огаҳийнинг ”Тўла асарлар тўплами“. 1-жилд. ”Мумтоз сўз“ Тошкент-2014.
2. Иброҳим Ҳаққул. Огаҳийнинг шахсияти ва шеърияти ҳусусида. Мақола.
3. Отабек Исмаилов. Сўз мартағаси. ”Хоразм“, 2002
4. Адабиёт. 9-синф дарслиги. ”Ўзбекистон“ НМИУ. Тошкент-2009



«聊斋志异» «ЛЯО ЧЖАЙНИНГ АЖОЙИБОТ ТҮҒРИСИДАГИ ҲИКОЯЛАРИ»
ТҮПЛАМИНИНГ ГОЯВИЙ-БАДИЙ ТАВСИФИ

Бехруз Хамдамов
DSc, доц. Сабоҳат Ҳашимова
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфисизлиги университети
Тел.: +998977105033
sabohat15@mail.ru

АННОТАЦИЯ: мазкур мақола хитойнинг машҳур ёзувчиси Пу Сунлининг «聊斋志异» «Ляо Чжайнинг ажойибот түғрисидаги ҳикояси» түпламининг гоявий-бадиий тавсифи таҳлилига бағишиланган. Бунда Пу Сунлин асарлари новелланинг барча жанрли белгиларига: қисқалик, таркибий жадаллик, турли ассоциацияларнинг жамланганлиги, рамзларнинг қўлланганлиги, кутилмаган ёки антиқа хотима каби белгиларга жавоб берishi аниқланган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: новелла, адабий мерос, аллюзия, anakoluf, сатира, жанр, персонаж.

Теран фикрловчи инсон бўлган Пу Сунлин ўз мамлакати ўтмишининг адабий меросига эга бўлиш баробарида замонасининг вазиятини чуқур хис этган. Ватанпарвар, кенг дунёқарашли бўлган бу инсон, ҳам вэнъянь тилида, ҳам ўзининг жонажон Шаньдун шевасида асарлар ёзган.

Пу Сунлин қаламига кўплаб шеърлар, қўшиқлар, бир нечта пьеса ва романлар мансуб, бироқ унга ҳақиқий шуҳратни унинг «聊斋志异» («Ляо Чжайнинг ажойибот түғрисидаги ҳикояси») новеллар түплами келтирган бўлиб, унинг таркибига 431 та новелла кирган. Бу тўплам рўйхатларда, хусусий нашрларда тарқатилган ва жуда оммабоп бўлиб кетган. Новеллаларни ўқимишли одамлар берилиб ўқишган, уларни жонли тилга айлантириб айтиб юрувчи ҳикоячи-шошудлар (XVII асрда шахар кўчаларининг ажралмас атрибути бўлган) ана шу новеллаларда ихтисослашган. Уларнинг сюжетлари сахна ва рассомчиликда акс эттирилган.

Ляо Чжай – ҳаёлий ҳикоячи-муаллиф бўлиш билан бир қаторда, Пу Сунлин билан кўп ўхшашликларга эга. Хусусан, худди шундай юқори даражадаги ўқимишлиликни, тилни, ўз мамлакатининг адабий мероси ва услубини яхши билишини намойиш этади.

«聊斋志异» («Ляо Чжайнинг ажойибот түғрисидаги ҳикояси») новеллалар тўпламининг биринчи қўлёзмаси 1679 йилга тўғри келади. Босма ҳолда тўплам биринчи марта фақат 1766 йилда чиққан. Бироқ бу нашрни XVII асрдаги муаллифлик қўлёзмасининг факсимиль нашри билан солишириш натижасида кўплаб таҳририй ўзгаришлар аниқланди, хусусан тўпламдан 25та новелланинг олиб ташланганлиги, номлар, хотималарнинг ўзгартирилганлиги, шунингдек кўп сатрлар, иборалар ва сўзларнинг олиб ташланганлиги аниқланди. Қисқача қилиб айтганда, ўқувчига тўрт юздан ортиқ асарлардан атиги 14тасигина дастлабки кўринишида тақдим этилган [1, 453]. Бунинг сабаби Пу Сунлин новеллаларининг замонаси учун ўта мухим, антиманчъжур йўналишда бўлганлигига, деб хисобланади [2, 187].

Албатта, Пу Сунлин ўз новеллаларини осмондан олиб ёзмаган. Гарчи у ажойибот тўғрисидаги новелла жанрининг асосчиси бўлмаган бўлсада, лекин унинг алоҳида турини яратди. Бу вақтга келиб ишлаб чиқилган жанр тизими мавжуд эди. Хитой адабиётида инсоннинг шайтон билан тўқнашиши тўғрисидаги ҳикояларнинг пайдо бўлиши III-VI асрларга тўғри келиб, бу даврда ажойиботлар, антиқа афсоналар тўғрисидаги қисқа мифологик ҳикоя-воқеаларнинг қатор тўплами пайдо бўлди. Персонажлар турига бутқул бефарқ бўлган ҳолда, муаллифларнинг бутун диққат-эътибори антиқа далилнинг ўзига қаратилган эди. Кейинчалик бу ҳикоялар асосида тан новелласи яратилди. Мифологик ривоятнинг олий адабий жанрлари билан бирикиши содир бўлди. Новелланинг бундан кейинги сайқал топиши X-XVI асрларда давом этди [6].

Пу Сунлин ҳам дастлаб ўзининг тўпламини “Тулкилар ва шайтонлар ҳаётининг таърифи” деб номлашни фикр қилиб, бу анъанани давом эттироқчи бўлди. Аммо кейинчалик бу фикридан қайтди ва ҳикояларини нейтрал – “ҷжи и” (“ажойибот таърифи”) деб белгилади, новеллалар номига эса ундан олдинги ёзувчилардан фарқли ўлароқ, жанр номини киритмади.



Асрлар давомида юзага келган жанрли андозалардан воз кечиб, Пу Сунлин яна жанр манбаларига – ажойиб воқеанинг одий ёзишга мурожаат қилади. Лекин Пу Сунлин кўп ҳолларда ажойиб воқеа тўғрисидаги оддий ёзувни, III-VI аср ёзувчиларидан фарқли равища, ривоят-новеллага айлантиради.

Пу Сунлин асарлари новелланинг барча жанрли белгиларига: қисқалик, таркибий жадаллик, турли ассоциацияларнинг жамланганлиги, рамзларнинг қўлланганлиги, кутилмаган ёки антиқа хотима каби белгиларга жавоб беради [3, 4].

Миллий оғзаки ва ёзма адабиётининг энг яхши намуналари руҳида тарбияланган Пу Сунлин кўпинча қадимги маталларни қўллаган бўлиб, улар уни лўндалиги, ифодасининг ўткирлиги ва аниқлиги билан ўзига тортар эди. Пу Сунлин новеллаларида «Қўшиклар китоби»дан (милоддан олдинги 1 мингийллик), қадимги Лу подшолиги солномасидан (милоддан олдинги VII-V асрлар), Чжуанцзи ва Мэнцзи ривоятларидан, Сим Цяннинг «Тарихий хатлар»идан олинган аллюзия ва цитаталарнинг қўлланганлигини кузатиш мумкин. Пу Сунлиннинг хитой адабиётининг классик намуналари мурожаат қилиши нафакат унинг адабий билимлар ва билимдонлиги қўламидан, балки ёзувчининг образли таърифлашларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга интилишидан далолат беради. Хусусан, шафтоли гули япроқлари билан қопланган, жўш ураётган дарё сувларининг поэтик образи («Бо Цюлянь шеърларни яхши кўрарди» новелласи) Хан Юйнинг «Баҳордаги шафтоли гули» шеъридан олинган.

Таркибий жадаллик ёзувчи новеллалари хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. М.И. Конрад тўғри таъкидлаганидек, “Пу Сунлин асарлари интенсив характерга эга” [4, 599]. Ҳар бир сўз, ҳар бир таъриф – Пу Сунлин новеллаларида ҳар бири аҳамиятга эга, бирорта ҳам ортиқча деталь йўқ. Бу қисқалик ва сермаънолик, бирга қўшилиб, асар спецификасини ҳосил қилади. У икки кўринишида: сермаъно, лўнда вэньяньда ва сюжетнинг аниқлигига намоён бўлиб, бунда ҳамма нарса айнан унинг ривожланишига қаратилган.

XVII аср жанрининг қонунларига кўра новеллани фақат адабий тилда ёзиш мумкин эди. Маъно жиҳатидан бу асарлар саҳоват, бурч тўғрисида ҳикоя қилиши, жиддий фалсафий муаммоларни кўриб чиқиши керак эди. “Олий” тил “олий” мавзулар учун мавжуд эди. Пу Сунлин эса кундалик ҳақиқатга мурожаат этди. У инсоний ўзаро муносабатлар, замонасидаги мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолатни тасвирлаб, уни фантастик фабулага жойлаштириди. Шу билан бирга ўз новеллаларида у кўтараётган муаммолар вафодорлик, севги, ғурур, мажбурият,adolat каби абадий қадриятларга тегишли. Пу Сунлин вэньян тилида фалсафий трактат эмас, балки барчага – ўқимишли одамларга ҳам, саводсизларга ҳам тушунарли бўлган тилида қизиқарли сюжетлар яратгани сабабли уларнинг таъсиранлиги фақат ортди. Натижада соф адабий шаклдаги ва жонли баён этувчи услубдаги асарлар пайдо бўлди. М.И. Конрад буни «雅文小说» («Явэнъ сяошо») деб агади [4, 599].

Пу Сунлин зўр ҳикоячи бўлиб чиқди, у ўз тўпламида “бачкана”, оддий ҳалқка оид (俗 – «су») ва юксак, мумтоз-нафис (雅 – «я») мавзуларни жамлади. 俗 “Су” га фольклорга яқин материал, сюжетларнинг ўзини, 雅 “Я” га эса – Пу Сунлингача новеллистик асарларда хеч ким қўлламаган нафис услубни киритиш керак.

«雅文» – «Явэнъ» нафис услуби «简约体» «Цзяньюети» услубининг, яъни қисқа, кўринишидан содда, ўзига хос ритмга ва ўзига хос лексика - «古语» «Гуюй»га эга бўлган синтаксиснинг қўлланишини, яъни “Қадимги сўзларнинг” («古词» – «Гуци»), қадимлигидан кўра кўпроқ “олий адабиёт” томонидан ассоциациялар билан бойитилган сўзларнинг ишлатилишини назарда тутади. Шу билан бирга Пу Сунлин новеллаларидағи мумтоз адабий вэньянь кўпинча ҳалқ оғзаки нутқида қўлланилувчи сўз биримлари билан бирга қўлланилган [5, 66]. Шу билан бирга Ляо Чжайда баён этувчи элемент «小说» «Сяошо» ҳам кенг қўлланган. Унинг новеллалари – бу соф баён этиш, жуда содда, ортиқча тафсилотларсиз, безатишларсиз, чекланишларсиз, аммо шу билан бирга баён этиш шунчалик устунки, у диалогик қисмни ҳам тўлиқ қамраб олади [4, 599].

Персонажларнинг кўчирма гапи архаик, принципиал жиҳатдан гаплашмайдиган тилда ёзилганга ўхшаб, бу ҳол диалогни баён этишга янада кўмак беради, воситаларнинг бундай тежалган ҳолда қўлланиши ифодалиликка мутлақо путур етказмайди. Аксинча, тафсилотларга берилмай, икир-чикирларида тўхталмай, чекланишлар қилмай, Пу Сунлин шу билан ҳар бир сўзнинг моҳиятини ва ҳар бир синтаксик конструкциясини кучайтиради. Ўзидан олдинги новелистлардан фарқли равища, Пу Сунлин баъзан асосий қиссага



муаллифлик «мен»ни фаол киритиб, гўё ўзининг хотиралари сифатида шакллантиради (хусусан, «Шафтолини ўғирламоқда» новелласи – муаллиф болалигида қўрган ажойиб фокусчи ҳақидаги ҳикоя). Пу Сунлиннинг кўпчилик асарларининг воқеалари ёзувчининг жонажон юрти – Шанъдун атрофлари билан чекланган. Пу Сунлин новеллаларида кўпинча фантастика воқеанинг реал вақти ва жойи билан белгиланиб, унда ёзувчининг замондошлари ва дўстлари иштирок этишади, баъзан эса унга бу воқеани ҳикоя қилиб берган кишининг номи ҳам тилга олинади.

Ҳар бир новелла бу – олам универсал қўринишининг бир бўлاغи бўлиб, у мазкур қўриниши тўлдирувчи, мураккаблаштирувчи ва бойитувчи кўпгина бошқа бўлакларнинг бўлишини тақозо этади. Ушбу факт новеллаларни маълум бир яхлит асар сифатида белгилайди. Шунинг учун ҳам «聊斋志异» (“Ляо Чжайнинг ажойибот тўғрисидаги ҳикояси”) тўпламини яхлит бир асар сифатида қараб чиқиш мақсадга мувофиқdir.

Ушбу асар ҳалқ ва амалдорлар ҳаётининг деярли барча қирраларини қамраб олади. Юқори табақага камроқ эътибор қаратилган, лекин шаҳар, қишлоқ, оила ва жамият ҳаёти ҳар томонлама тасвиirlанган. Тўплам XVII асрда Хитой ҳаёти энциклопедиясини акс эттирган: унда ҳам сиёсий тузум, ҳам ижтимоий ҳаёт ва оиласий анъаналар, ҳам жамоат одатлари ва бидъатлар олами, ҳам амалдорлар ва суд тизимлари, ҳам роҳиблар ҳаёти ифодаланган. Ёзувчи турмуш ва кийим-кечаклар тафсилотларини, оиласий муносабатлар иерархияси ва ҳ.к.ларни ёрқин тасвиirlайди.

Ўзининг мавзули мазмуни жиҳатидан Пу Сунлин новеллалари аниқ таснифланади. Турли тадқиқчилар тўпламдаги новеллаларни таснифлашнинг ўз варианtlарини таклиф этишган. Хусусан, чет эллик олим В.Эберхард 1948 йилда Пу Сунлиннинг танқидий объектлари ҳақида сўз юритиб, асарларининг қўйидаги гурухларини келтиради:

- 1) Буддизм таъсирининг кучайишини танқид қилувчи;
- 2) пулга сотилувчи амалдорларни танқид қилувчи;
- 3) имтиҳон тизимини танқид қилувчи;
- 4) адлия тизимини танқид қилувчи;
- 5) жамиятнинг юқори табақаларини танқил қилувчи асарлар.

Пу Сунлин ижодининг хитойлик тадқиқотчиси Ян Лю 阳柳 ёзувчи новеллаларини тўрт гурухга тақсимлайди, булар:

- 1) севги тўғрисидаги;
- 2) ҳукмрон синфга қаратилган сатира, ҳалқ оммасини эксплуатация қилувчи амалдорларни танқил қилувчи;
- 3) имтиҳон тизимини танқид қилувчи;
- 4) антиманъчжурча кайфиятни очиб берувчи асарлар.

Буюк рус адабиётшуноси П.М.Устин қўйидаги таснифни мақсадга мувофик деб ҳисоблайди:

- 1) антиманъчжурча йўналишдаги новеллалар;
- 2) бутун схоластик таълим тизимини танқил қилувчи;
- 3) бутун юқори қатламларни фош этувчи;
- 4) хитойнинг учта динини фош этувчи асарлар.

О.Л.Фишман Пу Сунлиннинг юқорида келтирилган танқид қилинувчи объектлари қаторига Цин давридаги Хитой русумларини фош қилишни ҳам қўшади.

Мазкур олимлар келтирган таснифларга қисман қўшилган ҳолда, бу борада ўз нуқтаи назаримизни ифодалашни лозим топдик. Пу Сунлиннинг “Ляо Чжайнинг ажойибот тўғрисидаги ҳикояси”ни таҳлил қилиб чиқиб, Пу Сунлин новеллаларининг барча тематик қирраларини қамраб олевучи, энг оптимал тасниф қўйидагича, деган холосага келдик:

- 1) динни ва дин ниқоби остида яширинувчи фирибгарларни танқид қилувчи новеллалар;
- 2) амалдорлар, улар фаолияти, мансабни олиш усусларини фош этувчи новеллалар;
- 3) муҳаббат-маиший новеллалар;
- 4) содир этган адолатсизлик учун қасос тўғрисидаги новеллалар;
- 5) фантастик новеллалар.

Пу Сунлин ижоди билан танишган ҳар кимса бу тематик таснифларнинг барчаси ҳақиқатан ҳам тўплам мазмуни акс эттириши ва умумлаштиришини кўриши мумкин. Аммо Пу Сунлиннинг ўзи новеллалари орасида бундай аниқ чегарани ўтказмаган. Ҳар қандай воқеа – имтиҳон тизимининг ёки диннинг ўзига хос хусусиятлари – атрофдаги оламнинг



бошқа қисмлари билан боғлиқ бўлган ажралмас қисми деб қаралган, ҳаммаси эса бирбирига сингиб ва бирикиб, диалектик бирликни ҳосил қиласди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида тилга олинган тўртта адабиётшунослярнинг барчаси Пу Сунлин новеллаларини уларда нима танқид қилинаётганлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқадилар. Улар сўзсиз ҳақдир. Аммо бу танқид бир вақтнинг ўзида ўша даврнинг турмуши ва одатларини тасвири бўлиб, унинг ортида инсонлар орасидаги ўзаро муносабатлар акс этади. Пу Сунлин диққати марказида одамларнинг ҳис-туйғулари, ахлоқий ҳислатлари, ҳатти-ҳаракатлари туради. Буларнинг барчаси турмуш, мафкуруни батафсил ифодалаш билан баён этилади. Шу боис ҳам Хитой, ҳам Европанинг хитойшунослари ва олимлари тўпламни кўпроқ этнографик аҳамияти учун қадрлайдилар [7, 250].

Пу Сунлин новеллаларида XVII-XVIII асрлардаги оддий халқ ҳаёти тасвиранади, унинг қайғуси ва хурсандчилиги, кураши тўғрисида ҳикоя қилинади. Айрим новеллаларда замонавийлик, айниқса девонхоналар ва губернаторлик лавозимларда ўтирган хитой амалдорларининг қўпол бебошлиги, очкўзлиги, пулга сотилиши, фитначилиги, зўравонлиги танқил қилинади. Баъзан новеллаларда бутун Хитойни ларзага солган 1644 йилда ҳокимиятнинг манъҷурияликлар кўлига ўтиши умуман акс эттирилмагандек туюлади, бироқ уларнинг айримларида босқинчиларга нисбатан нафрат ва аччиқ сатира намуналари учрайди.

Тематикаси жиҳатидан Пу Сунлин новеллалари турли-туман. Уларда инсоннинг рух билан учрашгани тўғрисида ҳам; руҳлар, арвоҳлар, турли маҳлуқлар ва ҳатто ўсимликлар билан дўстлик ва муҳаббат ришталари тўғрисида ҳам; ҳаётдан олинган ғаройиб воқеалар тўғрисида ҳам; чигал суд ишларининг очилганлиги тўғрисида ҳам; турли ғаройиботларнинг тасвири тўғрисида ҳам сўз юритилади. Шунинг учун ҳам муаллиф тўпламга “Ажойиботлар тўғрисидаги ҳикоялар” деб антиқа ном бергани бежиз эмас. Чуқур ижтимоий маънога эга бўлган новеллалар Пу Сунлин тўпламида ҳар бири ажойиб воқеани моҳирона ифодаловчи кичик новеллалар билан маъно жиҳатидан бирлашиб кетган.

Пу Сунлиннинг бадиий маҳорати, шунингдек, қаҳрамонни ҳаётининг бирор бир моментида тасвираш орқали, ягона, буткул тугалланган эпизодни яратা олишида намоён бўлди. Бундай ҳикояларларда мавзунинг ўзи, кўлланган тасвирий воситалар, бадиий санъатлар ижодкорнинг фикрини етарли даражада аниқ ифодалайди.

Соф фантастик воқеалар Пу Сунлин тўпламида кўпчиликни ташкил қиласди. Улар орасида эса омадсиз олим ва аслида арвоҳ-тулки бўлиб чиқадиган, ниҳоятда гўзал қизнинг муҳаббати тўғрисидаги новелла алоҳида ўрин тутади. Пу Сунлин ҳаётига ўхшаш ҳаёт кечиравчи, бекорчилар ва олғирларнинг кўпайиб кетганидан норози бўлган, аммо бунга қарши қўлидан хеч нарса келмайдиган бечора олим бирдан нафақат жуда гўзал, балки дунёда тенги йўқ оқила ва ўқимишли қизни учратади. Бир қадаҳ шароб ичгани ҳолда шу қиз билан дилхушлик қиласди, адабиёт борасида нафис сухбатлар олиб боради. Агар у қатъий конфуциан эътиқодли бўлса унга хеч қандай инс-жинслар таъсир қилолмайди ва йўлдан оздиролмайди. Агар персонаж, аксинча, пасткаш, қабих киши бўлса, у ҳолда новелладаги афсунгарлар уни қаттиқ жазолайди.

Пу Сунлин новеллистикасининг бошқа мавзулари аҳамиятини камайтирган ҳолда, диққатимизни юртимиз синологлари томонидан ижтимоий-сиёсий мавзуга нисбатан камроқ ўрганилган, ёзувчи ижодидаги айнан фольклор элементларга қаратамиз.

Афсоналар, ривоятлар ва халқ ҳикояларига таяниш умуман хитой адабиётига хос бўлган хусусиятдир. Бу анъана бизнинг кунимизгача сақланиб қолган. Фантастик халқ ҳикояларининг қаҳрамонлари муаллиф ҳикояларида ҳам мавжуд. Шунинг учун Пу Сунлиннинг «聊斋志异» («Ляо Чжайнинг ажойибот тўғрисидаги ҳикояси») тўпламида биз даослар, хэшанлар, афсунгарлар, дўл худолари, арвоҳлар, шайтонлар, иблислар, жанговор санъат усталари (халқ ҳимоячилари),adolatli судьялар, пулга сотилмайдиган амалдорлар, шунингдек тулкиларни учратамиз. Бунда тулкилар иштирок этадиган новеллалар кўп сонли гуруҳни ташкил этади. Бунга сабаб шуки, тулки хитой адабиётида алоҳида ўринни эгаллайди. Бу бир томондан анграйиб турган эгасидан товуқларни ўғирлайдиган тулки, аммо иккинчи томондан, “ўз навбатида анграйиб тадбиркор овчи қўлига тушиб қолган ва ёқимли пўстинга айлантирилган” айнан ўша тулки [8].

Хитой халқи учун тулки доим эҳтиёткорлик ва ишонқирамаслик рамзи, шунингдек кучли ва ёвуз ҳайвонларни лақиллатиб юрувчи (“Йўлбарс ва тулки ҳақидаги масал”) ўта айёр ва



тилёқламачи жонзот бўлиб келган. У хушомадгўй тилёқламачилик қобилиятига эга, ўз қурбонини осон илинтиради, кейин эса уни шавқатсиз эксплуатация қиласди. Бироқ хитойлик одам тулкининг ижобий хислатларини ҳам кўра билади. Биринчидан, унинг мўйнаси қимматли; иккинчидан – безгакни, жазавани, тўсатдан ўзидан кетиб қолишларни тузата олади деб ҳисобланган тулкининг органлари қадрланган, гўшти эса кўп ҳасталиклардан, асосан руҳий касалликлар ва овқатдан заҳарланишлардан фориф қиласди. Учинчидан, тулки узоқ умр кўришдек ноёб хислатга, худоларга хос бўлган хислатларга эга бўлар экан.

Пу Сунлин ижодининг тадқиқотчилари унинг “ажойиботига” турли муносабатда бўлганлар, лекин уларнинг барчаси фантастика ҳақиқатни акс эттиришга хизмат қиласди, деб таъкидлаганлар: “Аммо Пу Сунлиндаги асосий нарса – ер юзи ва ер остидаги барча подшоликларни кезиб чиқиши, шайтонлар ва азроил билан кураша оладиган инсоннинг ўзи ҳисобланади” [1, 449].

Шундай қилиб, Пу Сунлининг афсонавий фантастикаси миллий хитой маданияти анъаналарини давом эттиради, шунингдек бадиий ифодалилик воситаси бўлиб ҳисобланади деган хulosага келамиз. У сюжетга кутилмаган ўзгаришлар киритади, ҳикояни янада қизиқарли ва таъсиранроқ қиласди. Шайтонлар образи, нариги дунё тасвирлари – буларнинг барчаси бадиий услуб бўлиб, улар ёрдамида ёзувчи реал ҳаёт воқеаларини ифодалироқ ва ёрқинроқ тасвирлайди, асар ғоясини акс эттиради. Ёзувчининг ҳикоялари ажойиб сюжети, қаҳрамонлар ҳаракатларини аник ва ёрқин ифодаланиши билан ром этади. Кўп асарлар халқ оммаси орасида пайдо бўлган битик ва эртакларга асосланган бўлсада, бироқ Пу Сунлин қалами остида янгича бадиий шаклга эга бўлди. Пу Сунлиннинг жанри бўйича ажойиботлар тўғрисидаги эртакларга яқин бўлган новеллаларининг мазмуни кенг, уларда доим иккита план мавжуд бўлади: биринчи план – бу ажойиботлар, жоду, иккинчиси – реал олам, мавжуд бўлган ҳақиқатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Устин П.М. Новеллы Пу Сунлина // Литература Востока в новое время. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1975.
2. Устин П.М. Пу Сунлин – обличитель маньчжурских завоевателей // Маньчжурское владычество в Китае. – М.: Наука, 1966.
3. Мелетинский Е.М. Историческая поэтика новеллы. – М.: Наука, 1990.
4. Конрад Н.И. Рецензия на «Рассказы Ляо Чжая» // Конрад Н.И. Избранные труды. Синология. – М.: Наука, 1977.
5. Фишман О.Л. Три китайских новеллиста XVII – XVIII в.в. (Пу Сунлин, Цзи Юнь, Юань Мэй). – М.: Наука, 1980.
6. Насирова С., Хашимова С.Хитой маданияти. – Тошкент: “Замин нашр”, 2019.
7. Алексеев В.М. Из предисловия переводчика к сборнику «Рассказы о людях необычайных» // Пу Сунлин. Рассказы Ляо Чжая о необычайном. – М.: Худож. Лит., 1989.
8. Алексеев В.М. Предисловие переводчика // Пу Сунлин. Рассказы Ляо Чжая о необычайном. – М.: Худож. Лит., 1983.



XALQ OG‘ZAKI IJODINING O‘ZIGA XOS JIHATLARI

Abduraximova Xanifaxon Tolibovna

Farg‘ona tumani 38-sonli maktab
ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi
tel: +998995351773

Annotatsiya. Maqolada xalq og‘zaki ijodi va uning o‘ziga xos jihatlari, so‘z san’ati ekanligi va yozma adabiyotdan farqli jihatlari tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar. Folklor, badiiy-estetik idrok, tafakkur, qadriyat, ma’naviyat, so‘z san’ati.

Xalq og‘zaki ijodi namunalari ma’naviy qadriyatlar tizimining asoslaridan bo‘lib, xalqimizning uzoq asrlik o‘tmish tarixi, yashash tarzi, urf-odatlari, axloqiy qarashlari, tafakkuri, olamni badiiy-estetik idrok etishning o‘ziga xos shakli sifatida beqiyos qadr-qimmatga ega. Folklor asarlari mag‘zidagi hikmat har bir davrda yangidan anglanadi, zamon talablariga mos talqin topadi, xalqning ma’nan boyishiga xizmat qildi. Xalqimizning mustaqillika erishgani va jahon hamjamiyatida munosib o‘rnini egalashi tarixiy voqyea sifatida folklorshunoslik sohasining ham yangi bosqichga chiqishiga imkon yaratdi.

Insoniyat tarixida so‘zlar yozuv tarzida ko‘rinishi dan oldinroq ularni eshitib ya’ni og‘zaki tarzda bilishgan deb ta‘kidlash biroz noodatiy tuyulishi mumkin. Ko‘pchilik uchun so‘zlar haqiqatdan ham haligacha yozuv orqali emas balki og‘zaki yo‘l bilan tushuniladi, hattoki ba‘zilar so‘zlarni ko‘z o‘ngida ma’lum harflardan tashkil topganligi shaklida tasvirlashga ko‘nikishgan bo‘lsa ham so‘zlarni ko‘p hollarda eshitib yoki suhbat orqali tushunishadi. Bizning shaxsiy kechinmalarimizda biz har ikkala holatning ham ma’lum bir darajalariga to‘qnash kelamiz. Biz shaxsiy rivojimizda ayrim so‘zlarni og‘zaki tarzda o‘zlashtiramiz, holbuki biz bu so‘zlarni ularning qanday shaklga ega ekanligni tasavvur qilmasdan turib faqatgina bizga eshitilgan tovush yordamida qabul qilamiz. Bu ikki dunyo ya’ni og‘zaki va yozma shakllar bir qancha muhim va sezilarli farqlarga ega bo‘lishiga qaramasdan ularni alohida boshqa dunyo emasligini ko‘rishimiz mumkin.

Bugungi kunda O‘zbekistonda zavq bilan o‘qilayotgan, maroq bilan aytيلayotgan doston, ertak, qo‘sish, maqol, topishmoq, afsona va rivoyat, askiya va latifa, loflar o‘zbek xalq og‘zaki ijodining janrlari hisoblanadi. Xalqimiz yaratgan ana shu ma’naviy boyliklarimiz butun o‘zbek xalqi madaniy merosi, qadriyatlarining tarkibiy qismidir. Folklor deganda ma’lum millatga mansub, xalq tomonidan asrlar davomida yaratilgan san’at namunalari: so‘zanalar, xalq kuylari, raqsler va boshqalar tushuniladi. Ammo folklorning alohida sohasi bilan shug‘ul lanuvchi mutaxassis esa ko‘pincha folklor deganda o‘zi o‘rganuvchi sohani nazarda tutadi. Jumladan, tasviriy san’atni o‘rganadigan olim folklor deganda, naqsh san’atini nazarda tutadi. Xoreograf esa xalq raqsini, musiqashunos xalq kuylarini, folklorshunos esa xalq og‘zaki ijodini nazarda tutib ish olib boradi.

“Folklor” inglizcha so‘z bo‘lib, uning lug‘aviy ma’nosи quyidagicha: folk-xalq, loredonishmandlik. Fanda bu so‘zning tor va keng terminalogik ma’nolari mavjud. Go‘zallik qonunlari asosida xalq tomonidan yaratilgan har qanday ijod mahsuli tushunilishi -terminning keng ma’nosidir. Bunda xalq san’ati, amaliy san’at, musiqa san’ati, raqs san’ati, kashtachilik kabi go‘zallik qonunlari asosida yaratilgan barcha ijod mahsuli tushuniladi. Atamaning tor ma’nosida esa faqat xalq og‘zaki ‘oetik ijodi, ya’ni xalq tomonidan yaratilgan og‘zaki badiiy so‘z san’ati tushuniladi. Bu atama birinchi marta 1846-yili ingliz olimi Uilyam Toms tomonidan ilmiy olamga olib kirilgan. O‘zbek folklorshunoslik ilmida esa, dastlab, atoqli olim Xodi Zarif tomonidan XX asrning 30-yillarda iste’molga kiritilgan. Folklorni, ya’ni og‘zaki badiiy so‘z san’atini o‘rganuvchi fan folklorshunoslik deb yuritiladi.

Xalq tomonidan yaratilgan so‘z san’ati asarlari boshqa fanlar tomonidan ham o‘rganiladi. Masalan, tilshunoslik folklorni til nuqtai nazaridan o‘rganadi, bu bilan shevalarga xos bo‘lgan muhim xususiyatlarni belgilaydi. Ayrim mintaqalarga xos bo‘lgan lug‘aviy birliklarni aniqlaydi. Tilning tarixiy taraqqiyotini belgilashda ham folklor qimmatli manbadir.

Ma’lumki, folklorda shu folklorni yaratgan xalqning urf-odati, turli an’analari, ruhiyati, fikrlash tarzi, falsafasi aks etadi. Shunga muvofiq folklorni etnografiya, ‘sixologiya, falsafa kabi qator fanlar ham o‘rganadi. Bunda har bir fan o‘z mundarija maydonidan kelib chiqib ish



ко`ради. Folklorshunoslikni folkloriga so`z san`ati sifatda qaraydi. Folklorshunoslik so`z san`atini o`rganuvchi fan sifatida, birinchi navbatda, adabiyotshunoslik va tilshunoslik fanlari bilan zich bog`ланади. Shuningdek, folklorshunoslik, tarix, etnografiya, falsafa, ‘sixologiya, san`atshunoslik kabilalar bilan ham aloqadordir.

Folklor ham, ma`lumki, adabiyot, og`zaki adabiyot, ya`ni so`z san`ati. Uning adabiyotning boshqa ko`rinishi-yozma adabiyot bilan umumiyligi bo`lgan tomonlarini ham yodda tutmoq lozim. Mana shu jihatdan qaraganda ular orasida quyidagi umumiylikni kuzatish mumkin:

- Har ikkisida ham so`z san`ati, tasvir vositasi so`zdir;
- Har ikkisida ham hayot va undagi voqealarni tasvirlanadi;
- Voqealar ma`lum bir estetik ‘rinsi’larga asoslangan holda tasvirlanadi;
- Hayot va uning lavhalari badiiy obrazlar orqali tasvirlanadi;
- Obraz va obrazlilik umumiyligi mavjud;
- Tasvir vositalari umumiyligi mavjud;
- Adabiy tur umumiyligi mavjud;
- Vazifa mushtaraqligi mavjud;
- ta’limiy, tarbiyaviy, estetik vazifalar umumiyyidir.

Xulosa qilib aytganda, folklorda shu folklorini yaratgan xalqning urf-odati, turli an`analari, ruhiyati, fikrlash tarzi, falsafasi aks etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Imomov K., Mirzaev T., Sarimsoqov B., Safarov O. O‘zbek xalq og`zaki poetik ijodi. - T.: O‘qituvchi, 1990. – B. 43-56.
2. Sarimsoqov B. O‘zbek folklorining tarixiy taraqqiyoti (qadimgi davr folklori) / O‘zbek folklori ocherklari. 1-tom. - T.: Fan, 1988. – B. 25-35. Toshkent: «Fan», 2011. – 304 b.



TURSUNBOY ADASHBOYEV SHE’RLARINING BADIY XUSUSIYATLARI

Isaqova Faridaxon Nosirovna
Farg‘ona viloyati Farg‘ona shahar
36-o‘rtta ta’lim maktabi
boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi
tel:+998911301136

Annotatsiya: maqolada bolalar shoiri T.Adashboyevning poetik mahorati tadqiq etilgan. Shoир she’rlarining g’oyaviy-badiiy xususiyatlari tahlil qilingan.

Kalit so’zlar: bolalar adabiyoti, she’r, badiiyat, g’oya, tasviriy vositalar, poetic fikr.

Odam jismonan baquvvat, bilimli, har ishda chaqqon, epchil bo’lishi mumkin. Ammo oqko’ngil, iymon-e’tiqodli, insonparvar, yurtparvar bo’lmasa, hayotda o’zidan yaxshi nom, yaxshi iz qoldirolmaydi. Adabiyot va san’at bolaning ana shunday go’zal tuyg’ular, fazilatlar sohibi bo’lib shakllanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda, ayniqsa, bolalar adabiyoti va uning jonkuyarlarining xizmati kattadir. Bolalar adabiyotida Quddus Muhammadiy, Qudrat Hikmat, Xudojberdi To’xtaboev, Tursunboy Adashboyev, Anvar Obidjon, Kavsar Turdieva, Abdurahmon Akbar, Dilshod Rajab kabi shoir va yozuvchilarining bolajonlarga tuhfa etgan asarlari adabiyotimizda salmoqli o’rin tutadi.

O’zbek bolalar adabiyotining taniqli vakillaridan biri Tursunboy Adashboyev «Kamolning olmasi», «Biz sayohatchilar», «Olatovlik bo’laman», «Arslonbob sharsharasi», «Surnay», «Nur daryo», «Guldasta», «Olatog‘-lolatog‘», «Oqbo‘ra to‘lqinlari», «Sovg‘a», «Arslonbob afsonasi», «Sichqonning orzusi», «Uch bo’taloq va sirli qovoq», «Orzularim — qo’sh qanotim», «Oltin yollı tulpor qissasi» kabi asarlari bilan bolalarning sevimli adibiga aylangan.

Bolalar adabiyotining iste’dodli vakili Tursunboy Adashboyev ijodida Vatan va tabiat mushtarak tushunchalar sifatida talqin qilinadi. Asarlarining lirik qahramoni Vatanni tabiatdan, tabiatni Vatandan ayri tushunmaydi. U Vatan haqida so’z ochadimi, tabiat haqida fikrlaydimi – quruq ta’rifu tavsiydan qochadi. Aksincha, biror manzara-holat tufayli o’zida tug’ilgan hayrat tuyg’usi bilan o’rtoqlashadi.

Tursunboy Adashboyevning “Momaqaymoq”, “Turnalar”, “Yalpiz” kabi she’rlari tabiat mavzusida bo’lib, shoirning “Yalpiz” she’rida ona tabiatning bir bo’lagi – o’simliklar dunyosidagi yalpiz va uni terish tasviri orqali ijodkorning badiiy mahorati namoyon bo’ladi:

*Onam ishdan qaytdilar,
Yalpiz ter deb aytdilar.
Anhor bo’yiga chopdim,
Bir chelak yalpiz topdim.
Sizga aystsam chin so’zim,
Terganim yo’q bir o’zim.
Rahmat aytdim Boqiga,
Qoyil dedim Soqiga.
Yalpiz solsa qurt tushmas
Olma, o’rik qoqiga...*

Shoir she’rida do’stlik, ahillikni ulug’lab, bolalarni do’stlashishga ham chorlaydi. Ma’lumki, qadimdan buvijonlarimiz qoqlarni tayyorlayotgan paytda yalpizdan foydalanganlar. Bolalar she’r orqali tabiatning ne’mati bo’lgan yalpizning xususiyatlarini bilib oladilar. Shoир “yalpiz” o’simligi orqali bolalarni Ona tabiatni asrashga, o’simliklar, tabiat haqida chuqurroq o’ylashga, tabiat ne’matlarini asrashg o’rgatadi.

Tursunboy Adashboyevning “Tuproq” she’rida necha asrlar osha ajdodlarimizdan meros, kindik qonimiz to’kilgan, rizq-ro’zimizni but qilgan muqaddas tuprog’imiz ulug’lanadi. Shu o’rinda O’zbekiston xalq shoiri Abdulla Oripovning “Men nechun sevamman O’zbekistonni, Tuprog’in ko’zimga aylab to’tiyo” satrlari go’yo shu she’rga hamohangdek tuyuladi.

Ajdodlardan meros bo’lib
Qolgan tuproq.
Bobolarning qon va teri
Tomgan tuproq.



Qizg’aldoqlar ochilganda
Qilmay kanda,
Qir-adirlar gulxan bo’lib
Yongan tuproq.
To’kin-sochin dasturxonni
Solgan tuproq.
Dori-darmon, sinovlardan
Tolgan tuproq.
Qotilni ham, botirni ham
Sukut saqlab,
Ehtiyotlab, o’z bag’riga
Olgan tuproq.
Bobolarning qon va teri
Tomgan tuproq.

Shoir “Bobolarning qon va teri Tomgan tuproq” satrlari orqali o’tmishda shu muqaddas tuproqni e’zozlab, avlodlarga yetkazish uchun jonini fido qilgan, yurtni asragan bobolarimiz haqida kuylaydi. Mustaqillik, yurt ozodligi va inson qadr-qimmatini ulug’lash uchun kurashib, jonini fido qilgan bolarimiz hoki qo’yilgan shu tuproqni “Qizg’aldoqlar ochilganda Qilmay kanda, Qir-adirlar gulxan bo’lib Yongan tuproq” deya tasvirlaydi. Shu aziz vatanda yashayotgan har bir inson, u yaxshimi, yomonmi, ona tuproq uchun farzand. Shoir buni “Qotilni ham, botirni ham Sukut saqlab, Ehtiyotlab, o’z bag’riga Olgan tuproq” satrlarida ifodalaydi.

Xullas, Tursunboy Adashboyevning ona tabiat va vatan mavzusidagi she’rlari orqali yosh avlodni vatanparvar va ona tabiatni ardoqlovchi shaxs sifatida tarbiyalaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Adashboyev T. Osmondagি darvoza. Toshkent. Sharq, 2011
2. Jumaboev M. Bolalar adabiyoti. Darslik. O’qtuvchi. 1994.



ERKIN VOHIDOVNING MUMTOZ ADABIY AN'ANALARDAN TA'SIRLANISH MAHORATI

Qurbanova Baxtigul Juraboyevna
Farg'ona tumani XTB tasarrufidagi
62-umumi o'rta ta'lif maktabi
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Annotatsiya. Maqlada o'zbek mumtoz adabiy an'analar va ulardagi o'ziga xosliklar Erkin Vohidov ijodi misolida tadqiq etildi. Shoiring Sharq mumtoz adabiyotidagi ham shakl, ham mazmun an'analarini davom ettirganligi she'rlari tahlili orqali ifodalandi.

Kalit so'zlar: Sharq mumtoz adabiyoti, an'ana, shakl, mazmun, an'anavii obraz, g'oya, mavzu.

«Adabiyot taraqqiyotining uzluksiz jarayonida har bir davr o'zidan oldingi davrlardan eng yaxshi jihatlarni o'ziga singdiradi, ularni sayqallaydi, maromiga etkazadi, ayni choqda, o'zidan-da unga nedir yangilik qo'shishga intiladi. Shu tariqa adabiyotning uzluksiz taraqqiyoti ta'minlanadi. Adabiyotdagi vorisiylik, an'analarga sodiqlik har bir milliy adabiyotdagi o'ziga xoslik, milliy qiyofaning yo'qotilmasligini kafolathaydi»¹. Iste'dodli shoiring Erkin Vohidov ijodida ham Umar Xayyom, Alisher Navoiy, Z.M. Bobur, Zavqiy an'analaridan ta'sirlanish, ular ijodiga xos falsafadan, she'riyatiga xos tasvir usulidan foydalanish yaqqol ko'zga tashlanadi.

Erkin Vohidovning “Shukurkim, keldi istiqlol” she'rida shoiring qalbidagi erkka tashnalik tuyg'ulari Hazrat Alisher Navoiyning vatanparvarlik, xalqparvarlik g'oyalari tarannum etilgan “G'urbatda g'arib shodmon bo'lmas emish, El anga shafiqi mehribon bo'lmas emish. Oltun qafas ichra gar qizil gul butsa, Bulbulg'a tikandek oshyon bo'lmas emish” satrlariga hamohang bo'lgan satrlarni yaratadi. Ruboiyda o'z vatanidan yiroqda g'am-alam chekib, shafqat ko'rmagan, o'z oshyoniga, ozodlikka intilgan erksevar bulbul tasviri orqali vatanparvar kishilar timsoli yoritilgan. Bulbul o'z vatanini sevgan vatanparvar kishilarning majoziy obrazidir. Hazrat Alisher Navoiy yaratgan “oltun qafas” dagi erkka intilgan bulbul obrazi Erkin Vohidov she'rida “bandi kishan” bo'lgan erksevarga aylanadi.

Agarchi ismim Erkin.

Erki yo'q, bandi kishan bo'ldim,
Ko'zim bog'liq, dilim dog'liq,
Tilim yo'q, besuxan bo'ldim².

Shoiring Erkin Vohidovning lirik qahramoni “Men ersam, vah, ne g'urbatkim, Vatanda bevatan bo'ldim”, deya o'z vatanining mustabid tuzumga qaramligidan, xalqining ayanchli qismatidan ohu nola chekadi. Alisher Navoiy yaratgan “g'urbatda g'arib”ga hamohang tarzda poetik obraz va ifodalar yaratadi.

Istiqlol sharofati bilan yurtimiz va xalqimiz mustamlaka kishanlaridan ozod bo'ldi. Shoiring mustaqillik tufayli o'z vataniga sohib, o'z yurti va chamanida ozod bo'lganidan iftixorga to'ladi. Alisher Navoiy an'anasini davom ettirgan shoiring qafasdagagi bulbulni milliy istiqlol tufayli ozodlikka, erkka erishgan, o'z chamanining sohibi bulbulga aylantiradi.

Shukurkim, keldi istiqlol,
Umidim rost qil, Ollohim,
Ki, shoyad beqafas bulbul
Kabi sohib chaman bo'ldim, -
deya shukronalik tuyg'ularini tarannum etadi.

Professor U.To'ychievning «An'ana asosan adabiyotning mazmun va shakl sohasiga tegishlidir, u milliy va baynalmilal bo'ladi, an'ananing bu ikki ko'rinishi bir-birini boyitadi»³, degan fikrlarini Erkin Vohidov ijodiga ham to'la tatbiq etish mumkin. Shoiring Sharq mumtoz adabiyotidagi ham shakl, ham mazmun an'analarini davom ettirdi. Uning bu boradagi mahorati Alisher Navoiy asarlari ta'sirida yaratilgan ijod namunalarida ham yaqqol ko'zga tashlanadi. Erkin Vohidovning

¹ Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.204-205.

² Эркин Вохидов. Тўла асарлар тўплами. 3-жилд. Куз саҳовати. – Тошкент, Шарқ, 2016. – Б.213.

³ Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б.377



Alisher Navoiy g’azallariga bag’ishlangan muxammaslarida ham bu holatni kuzatish mumkin:

Sun qadah, bergil menga jonioq haqin, ey piri dayr,
Kim qadahlar zarbidin chiqsin chaqin, ey piri dayr,
Bormi Erkinga ul ustozdin yaqin, ey piri dayr,
G’arq etar bahri fano g’am zavraqin, ey piri dayr.
Ilgiga chunkim Navoiy boda kishtasin olur¹.

Mazkur satrlarda Umar Xayyomga ergashish holatlari “Aylanar davr ila ayyom kechasi, Har kuning umrning bir jom, kosasi. Ko’ngling piyolasi sinmasin hargiz, Qo’lingdan tushmasin Xayyom kosasi”² misralariga hamohang tarzda uchraydi. Ya’ni, mumtoz Sharq donishmandligiga xos tafakkur tarzi, xayyomona falsafaning o’ziga xos talqini bor. Shu o’rinda adabiyotshunos G.Oripovaning quyidagi fikrlarini keltirish o’rinlidir: “Bu erdag'i ko’za, kosa, piyola – tiriklik idishlari bo‘lib, ularda hayot mayi doimo mavjlanib turadi. Shoир ularga olam mavjudligi va manguligini, hayot esa o’tkinchilagini ifodalovchi yangi ma’nolarni yuklagan. Natijada ular yangicha mazmun kasb etib, predmetlilik darajasidan obrazga aylangan”³.

Xullas, Erkin Vohidov she’riyatida Sharq mumtoz adabiyotining an’analari Umar Xayyom, Alisher Navoiy ijodiga xos falsafiy ta’sirchanlik, ular asarlaridagi an’anaviy obrazlardan foydalanish ijodiy manba vazifasini bajarganlikda ko’zga tashlanadi.

Foydalaniagn adabiyotlar:

1. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Fan, 2007. – B.204-205.
2. Erkin Vohidov. To’la asarlar to’plami. 3-jild. Kuz sahovati. – Toshkent, Sharq, 2016. – B.213.
3. To‘ychiev U. O’zbek adabiyotida badiiylik mezonlari va ularning maromnlari. – Toshkent: Yangi asr avlodи, 2011. – B.377
4. Umar Xayyom. Ruboiylar. – Toshkent: G’.G’ulom nomidagi Badiiy adabiyot nashriyoti, 1970 – B.101.
5. Oripova G. Mustaqillik davri o’zbek she’riyatining g’oyaviy-estetik va badiiy xususiyatlari: Fil.fan...fals.dokt.(PhD) diss. – Farg’она, 2019. – B.34.

¹ Эркин Вохидов. Тўла асарлар тўплами. 3-жилд. Куз саҳовати. – Тошкент, Шарқ, 2016. – Б.22.

² Умар Хайём. Рубоийлар. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1970 – Б.101.

³ Орипова Г. Мустақиллик даври ўзбек шеъриятининг ғоявий-эстетик ва бадиий хусусиятлари: Фил.фан... фалс.докт.(PhD) дисс. – Фарғона, 2019. – Б.34.



**ALISHER NAVOIY DOSTONLARINI O‘GATISHDA SAMARALI USULLARDAN
FOYDALANISH**

Turg‘unova Muhabbat Mamirjonovna
Marg‘ilon shahar 1-IDUM
ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi
Tel:90-784-06-47
e-mail:turgunovamuhabbat@mail.ru

Annotatsiya: maqolada Navoiy dostonlarining o‘qitilishi va asarlarni o‘rgatishda foydalilaniladigan samarali usullar, uning imkoniyatlari hamda ta’limdagi ahamiyati xususida mulohazalar berilgan.

Kalit so‘zlar: doston, o‘qitish masalasi, so‘z qudrati, mislsiz hazina, buyuk shaxs, o‘lmas so‘z san’atkori.

Alisher Navoiy ijodi haqida qancha ko‘p va xo‘p yozging, uning ijod ummonidan tashna qalblarni bahra oldirging kelaveradi. U ana shunday buyuk zot, buyuk ma’naviyat sohibi. Shoir ijodini o‘qigan har bir kishi Navoiy g‘azali, muhammaslari, ruboilyari, qit’alari va dostonlaridagi kuchli g‘oya, purma’no ash’orlaridan har bir yurt farzandi o‘ziga eng ezgu va nozik tuyg‘ularini his etadi va ko‘ngli bahra olib, taskin topadi. Shu o‘rinda o‘quvchilarini qalbiga Alisher Navoiy asarlarini mazmun va mohiyatini chuqur singdirishda maktab ona tili va adabiyot fani o‘qituvchilarining o‘rni beqiyos. Ma’lumki, umumta’lim maktab o‘quv dasturlarida Alisher Navoiy hayoti va ijodini o‘rganish uchun maktabda deyarli barcha sinflarda o‘rganiladi. Bu ajratligan dars soatlarini sinflarda har bir o‘qituvchi o‘zlarining uslublaridan kelib chiqib mavzularni o‘quvchilar qalbiga joylaydilar. Men ham o‘z faoliyatim va izlanishlarim natijasi sifatida Alisher Navoiy ijodini va dostonlarini o‘quvchilar qalbiga singdirishda, asosan “Qiyosiy tahlil”, “Xarita usuli” va “Hikoya qilish” usullaridan foydalaniib dasrslarni tashkil etishni maqsadli deb o‘ylayman. Quyida beriladigan tavsiyalarnim bilan Alisher Navoiy asarlarini mukammalroq va batafsilroq o‘rganish mumkinligi o‘z amaliy tajribalarim bilan o‘rtoqlashmoqchiman. “Farhod va Shirin” dostonini o‘qituvchi darstlab o‘quvchilarga asarning nasriy bayoni bilan tanishtirib, har bir asar voqealarini batafsil so‘zlash maqsadida maxsus qog‘ozlardan foydalaniadi. Masalan, darsning birinchi soatida asar voqealarini boshlanish jarayonini gapirganda quyidagi chizmani yozuv taxtasiga joylaydi. **Xoqonnig farzandsizligi, Farhodning dunyoga kelishi.**

Chin mamlakatidagi yaratilgan sharoitlar yuzasidan ma’lumotlar berish jarayonida bundan foydalinish yaxshi. Bunda o‘quvchilar ko‘z oldida Chin mamlakatining geografik xaritasi gavdalanadi. Demak, har bir voqealarni shunday davom ettirish mumkin. Bundan tashqari doston voqealarini berishda Chin mamlakatining tabiatи, yurtdagi obodonchilik ishlari, Arman diyoridagi suv qazish ishlari batafsil yoritilib boriladi. Bunday usuldan foydalinish asarni o‘quvchi ko‘z oldida aniq va lo‘nda gavdalanishiga asosiy omil bo‘ladi. Albatta, bunday usul bilan dars olib borilsa, doston voqealari juda tushunarli bo‘ladi. O‘quvchilar ham asardan olgan taassurotlarini xarita misolida chizib, bilimlarini yanada mustahkamlab keladilar. Bu usul darsning tushunarli bo‘lishida juda yaxshi samara beradi. “Farhod va Shirin” dostonini o‘rganishda yana bir usul “Qiyos tahlil” usulidan foydalinish maqsadlidir. Dostondagi Shirin va Mehrbonu va boshqa timsollarni ham shunday jadvalga solib qiyoslab o‘rganish va o‘quv rejasida berilgan “Asardagi timsollar tahlili” mavzusida o‘rganish maqsadli bo‘ladi. Alisher Navoiy asarlarini o‘rganishda “Hikoya usuli” ham yaxshi natija bermoqda. Men ona tili va adabiyot darslarida har kungi dars soatlarimda Navoiyning “Saddi Iskandariy” dostonini nasriy bayoni bilan tanishtirib bormoqdaman. Shu sababli har kuni darsni 5 daqiqasini “Navoiy asarlarini o‘rganamiz” rukni asosida shoir ijodini o‘rganishga bag‘ishlayman. Bu usuldan foydalinish jarayonida “Saddi Iskandariy” dostonidagi voqealarni qismlarga bo‘lib o‘rgatilsa dars yanada samarali bo‘ladi. Dostonni tahminiy quyidagi qismlarga bo‘lish mumkin. Masalan,

1. Iskandarning Rum shohi Faylaqus tomonidan parvarish qilinishi.
2. Iskandar-elning odil shahanshohi.
3. Iskandar va Doro o‘rtasidagi jang.
4. Iskandarning Feruzga Kashmirni topshirishi.
5. Elchi qiyofasidagi Chin xoqoni va Iskandarning suhbatи.



6. Iskandar devorining qurilishi.
7. Suv ostini ko‘rish orzusi.
8. 12 yillik izlanishlar.

Yuqoridaq mavzularni yana davom ettirish mumkin. Bu mavzular asosida ishlangan rasmlarni o‘quvchilarga ko‘rsatib borilsa, maqsadli bo‘ladi. O‘qituvchi kutayotgan natijani oladi. Bundan tashqari o‘quvchilarning ijodkorlik qobiliyatları o‘sib boradi. Asar so‘nggigacha “Saddi Iskandariy” dostoni uchun ishlangan rasmlar to‘plami ham hosil bo‘ladi. O‘quvchilar darslar davomida dostonning bosh timsoli Iskandar siymosini Doro bilan olib borgan janggini, ummon va dengizlardagi kashfiyotlarini tasvirlab turli rasmlar izlab kelishmoqda. Eng quvonarli tomoni uyda o‘quvchilarning ota-onalari ham Alisher Navoiy asarlariga qiziqib qolganliklari, bu dostonlarni o‘qishayotgani ishimizning besamar ketmaganligini bildirmoqda. O‘qituvchi va oila, ota-onal hamkorligi, oilaning badiiy adabiyotga bo‘lgan qiziqishlari, jumladan Alisher Vavoiy asarlarini har bir o‘zbek xonadonidan joy olishi, ulg’ayotgan farzandlarni dunyoqarasi keng, aqlan teran bo‘lib voyaga yetishlariga Navoiy asarları asosiy poydevor vazifasini o‘taydi. O‘ylaymizki, bu tajribalarimiz ona tili va adabiyot fani o‘qituvchilariga uslubiy yordam bo‘ladi.

Ha, buyuk mutafakkir, davlat arbobi, o‘zbek tilining rivojiga munosib hissa qo‘shgan, ma’naviyatimiz quyoshi sanalgan Alisher Navoiy ijodi hali ochilmagan bir bog‘. Bu bog‘da qanchadan-qancha sharbatlarga to‘la mevalar mavjud. Uning g‘azallari, ruboilyarining mazmuni va mohiyati kishining komillik va ezmilikka yetaklaydi. Navoiy buyuk zot. Bu zot asarlarida xalqimizning boy ma’naviyati mujassam. Demak, Navoiyni o‘qimoq va o‘rganmoq zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Vohidov R., Ne’matov H., Mahmudov M. So‘z bag’ridagi ma’rifat. -Toshkent: Yozuvchi, 2001, 144 b.
2. Bekova N.Alisher Navoiy she’riyatida hamd poetikasi.-Toshkent: Fan, 2007, 192 b.
3. Alisher Navoiyning adabiy mahorati masalalari (maqolalar to’plami)-Toshkent: Fan; 1993. 208 b.



**ADABIYOT DARSLARIDA ILG‘OR TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH
USULLARI VA QULAYLIKLARI**

Yoqubova Dilnoza Xurshidovna
Navoiy viloyati Qiziltepa tumani
15-umumi o‘rtalim maktabi
ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada adabiyot darslarida ilg‘or texnologiyalardan foydalananish usullari va qulayliklari xususida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: Mutolaa zavqi, ma’lumotchi, raqib, Rolli –sahnalashtirish....

O‘zbekistonda komil insonni tarbiyalash uchun ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy, ma’naviy, tashkiliy vazifalar davlat siyosatining eng muhim va ustivor yo‘nalishi etib belgilangan. Zero, barkamol avlod kelajagi uchun qayg‘urmagan xalq, millat va davlatning istiqboli bo‘lmaydi. Barkamol avlod tarbiyasida juda ko‘plab omillar zarur bo‘ladi, ulardan biri bu kitobdir. U xoh badiiy adabiyot, xoh darslik yoki she’riy asar, enciklopediya bo‘lsin, bari insonni ta’lim olishida muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda biz noan’anaviy ta’limga murojaat etamiz.

Noan’anaviy darslarni tashkil etishda interfaol metodlar muhim bo‘g‘in hisoblanadi. Ular o‘qituvchi va o‘quvchilarning o‘zaro faol munosabatlarda tashkil etiladigan mashg‘ulot turidir.

Quyida adabiyot darslarida qo‘llanadigan usullardan bir nechtasini taqdim etmoqchiman.

1.“MUTOLAAZAVQI” innovatsion usuli orqali o‘quvchilar o‘qigan badiiy asarlari yuzasidan mustaqil, ijodiy fikrlarini, taassurotlarini maxsus ko‘rgazmadagi ijod barglariga yozadilar. Har oy yakunida fikrlar kutubxona mudirasi va o‘qituvchilar tomonidan o‘qiladi. Eng ta’sirchan fikr muallifi badiiy asar bilan taqdirlanadi.

2.“Meni aldab ko‘ring” bahs-o‘yini: Bunda darsda kam qatnashgan o‘quvchilar tanlb olinadi va shoir hayoti va ijodidan 3 ta xoh to‘gri, xoh noto‘g‘ri ma’lumot raqibga aytildi. Raqib ushbu ma’lumotlar haqiqat yoki haqiqat emasligini aytadi.

Ushbu bahs 2 ta (raqib bilan 4 ta) o‘quvchi bilan o‘tkaziladi.

N a m u n a:

| Ma’lumotchi | Raqib |
|--|--|
| 1. “Quyosh bilan bahs” she’riy to’plami bor. | 1. Yolg’on. “Quyosh bilan suhbat”. |
| 2. Shoir Turob To’la “O’zbekning Lermontovi” deb atagan. | 2. Rost. |
| 3. “Sevgi” deb nomlangan she’rida rahmsiz muhabbat zardobi qaynatiladi | 3. Yolg’on. Shoirning “Sevgi! Sening shirin tilingdan...”, -deb boshlanuvchi “Monolog” she’ri bor. |

Har ikkala o‘quvchi javob berib bo’lgach, baholar e’lon qilinadi.

3. “Rolli” –sahnalashtirish usuli.

O‘qitishning „Rolli” –sahnalashtirish usuli. Bu usul orqali fan asoslari chuqur egallanadi. O‘quvchilari ma’lum jarayon yoki hodisaga doir amaliy hatti-harakatlarni bajaradi.

4.“Aqliy hujum” usuli. Bu usulda sinf o‘quvchilari ikki guruhgaga bo‘linib, shoirning hayoti va ijodiga oid bittadan faktga izoh so‘raydilar:



| 1-guruh | B | 2-guruh |
|--|---|---|
| <p>1912-yil...?</p> <p>O‘zbek ziyolilari qatag‘on qilingan yildan ikki yil oldin...?</p> <p>5- va 8-sinfda</p> <p>Shoir she’riyatining yengil o‘qilishligi,tuyg’ular beg‘uborligi bilan 5-sinf o‘quvchilariga, zalolatning achchiq yuki ortilgan she’rlarinining tahlil talabligi bilan shu qobiliyat unayotgan 8-sinf o‘quvchilariga yaqinligi uchun.</p> <p>Arman xalqi hayotiga bag‘ishlangan asari qaysi?</p> <p>“Nasimaga deganim”she’ri</p> | <p>1</p> <p>2</p> <p>3</p> <p>4</p> <p>5</p> <p>6</p> | <p>Shoir tug’ilgan yil</p> <p>Shoining 1-she’riy to‘plami bosildi Usmon Nosir ijodi qaysi sinflarda o‘rganiladi?</p> <p>Nima uchun aynan shu sinflarda?</p> <p>“Naxshon”dostoni</p> <p>Qaysi she’ri og’ir xastaligiga qaramay hayotga talpinayotgan lirk qahramon ichki kechinmalari haqida?</p> |

“To‘xtamlar asosida o‘qish” usuli.

Bu usulda biror hikoya boshlab beriladi va qolgani o‘quvchilardan so‘raladi. O‘quvchilar mustaqil fikrلashga o‘rgatiladi.Bu usul orqali o‘quvchilarda **gapirib berish ko‘nikmasi** shakllantiriladi. O‘quvchilarning fikri aynan hikoyaga to‘g‘ri kelmasa ham mazmuniga yaqini tanlanadi.

Qadim zamonda bir o‘g‘ri bo‘lib, u podshohning xazinasiga ustalik bilan o‘g‘rilikka tushadi. O‘g‘ri xazinadagi boyliklarni o‘g‘irlamoqchi bo‘ladi va uning ko‘zi qopga solingan oppoq narsaga tushadi. Qiziquvchan o‘g‘ri qopdagiga oq narsani tatib ko‘radi va hech narsa o‘g‘irlamay chiqib ketadi...

Shu yerda to‘xtam qilinadi. O‘quvchilardan muallif nima demoqchi bo‘lganligi, sizning fikringizcha yozuvchi shu yerda nima demoqchi? Hikoya qanday davom ettirilgan? kabi savollar so‘raladi. Ushbu hikoya 2-3 to‘xtamda o‘qiladi. O‘quvchilarga oldindan tayyorlab qo‘yilgan savollar beriladi.

Har bir bolaning qobiliyati va iste’dodini o‘z vaqtida payqash, tarbiyalash, ro‘yobga chiqarish nafaqat ota-onaning, balki butun jamiyatning burchi sanalar ekan bunda har bir bir pedagog mas’ul shaxs sifatida alohida o‘rinda turadi. Buning uchun esa pedagog o‘zi ustida faol, izlanuvchan, talabchan, ijodkor, muhimi bilimdon mutaxassis bo‘lishi kerak.

Foydalilanigan adabiyotlar:

- Yusupova F. I. O‘quvchilar individual tayyorgarligini amalga oshirishning pedagogik-psixologik jihatlari. “Xalq ta’limi” jurnali. 2005. №5. 90-93-b..
- 8-sinf uchun adabiyot darsligi.

“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

(8-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000